



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarrafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Мартабага
эришиш учун
мансаб ва
лавозим, ваколат
шарт эмас, унга
илм билан
фаросат етарли

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 31-oktyabr, shanba, 123-124 (23.403-23.404)-sonlar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

**Муҳтарам Раис жаноблари!
Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!**

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумининг барча иштирокчиларини кутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Жаноби Олийларига коронавирус оқибатларини биргаликда энгил ўтиш ва шериклигимизни кенгайтириш масалаларига бағишланган ушбу муҳим тадбирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдираман.

Жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Биз Ўзбекистонда Корея Республикаси Президентининг кенг Евроосий маконида хавфсизликни таъминлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган «Янги шимолий сиёсати»ни юксак баҳолаймиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва ҳамкорлигимиз истиқболларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. COVID-19нинг глобал миқёсда тарқалиши минтақа давлатлари ўртасида яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Кореялик ва бошқа шерикларимизни Ўзбекистонда ушбу касалликка қарши курашишда кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Биргаликдаги ишларни қуйидаги йўналишларда давом эттиришни таклиф этаман:

- Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардобрлар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш;
- замонавий лабораториялар ташкил этиш ва чегараларимиздаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш;
- Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида эпидемиолог ва вирусолог врачларни тайёрлаш;
- тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш қорхоналарини ташкил этиш;
- минтақада эпидемиолог вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогноزلантиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш.

Иккинчидан. Биз Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва «яшил» технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб биламиз.

Бугунги кунда Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистонда юқори технологик тармоқларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биз корейлик инвесторлар фаолиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантираемиз.

Шунингдек, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган «Яшил» тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Учинчидан. «Янги шимолий сиёсат»нинг изчил амалга оширилиши самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантиришнинг долзарб аҳамиятини кўрсатмоқда.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистралли ва «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» йўлаги маршрутларини минтақамиздаги янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Бундай шароитда Корея яриморали Тинч океани минтақасини Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган гоғтада муҳим коммуникация кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ноёб имкониятларни экспертлар даражасида кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан. Шериклигимизни мустақамлашда «Марказий Осиё – Корея Республикаси» форуми муҳим роль ўйнайди.

Унинг доирасида янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда, инвестициялар, инновациялар, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳамкорлигимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда Форум йиғилишини давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилмоқда.

Ишончим комил, биргаликда «Марказий Осиё – Корея Республикаси» форумини устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришининг таъсирчан механизмига айлантираемиз.

Бешинчидан. Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморалида мустақам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қарайди.

Биз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд яратиш борасида ноёб тажриба тўпладик.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган тегишли шартнома иштирокчилар ўртасида мураккаб келишиш жараёнидан ўтиб, энг йирик ядровий давлатларнинг зарур кафолатларини олган.

Бугунги кунда ушбу шартнома Марказий Осиёда ядровий хавфсизликни таъминлашнинг самарали сиёсий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шеригидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга.

Дўстлигимиз халқларимизнинг ўхшаш менталитети, миллий қадрият ва аъёналарига асосланган.

Ўзбекистондаги кўп сонли корейс диаспораси бузилмас ришталаримизни мустақамлаб турувчи муҳим омилдир.

Бу фуқароларимиз мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Сўзим якунида яна бир бор ишонч билан айтмоқчиман: бугунги форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва раванга йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради.

Этиборингиз учун раҳмат.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича ўтказилган рейтингда Нуробод туманидаги 74-умумий ўрта таълим мактаби паст кўрсаткичга эга мактаблар қаторидан ўрин олган. Туманининг чекка ҳудудларидан бири – Пўлатчи маҳалласи Яккабоғ қишлоғидаги бу мактабда 161 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 20 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда.



Ҳоким рейтинг кўрсаткичи паст мактабга борди

Вилоят ҳокими Э.Турдимов таълим сифати кўрсаткичлари паст бўлган Нуробод тумани мактаблари педагоглари, халқ таълими соҳаси масъуллари билан учрашувдан олдин мазкур мактабда бўлди. Дарс жараёнини кузатиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Уларни қийнаётган муаммоларни сўради, мактабда таълим сифатини ошириш бўйича таклифларни эшитди.

Мактабда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар борлиги, ҳудудда интернет алоқаси тизими яхши эмаслиги, мутахассис кадрлар етишмаслиги, маҳаллани туман боғловчи йўлнинг носозлиги каби масала-

лар қайд этилди. Вилоят ҳокими ушбу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан мутасаддиларга муддатли топшириқлар берди. Бир ҳафта муддатда мактаб кутубхонасига 5 мингта адабиёт келтирилди ҳамда бўлди. Ўз навбатида ўқитувчилар масъулиятини ошириш, ўқувчининг билим даражасига қараб ўқитувчи фаолиятига баҳо берилиши таъкидланди.

Шундан сўнг Э.Турдимов тумандаги умумтаълим мактаблари директорлари билан учрашди. Бугунги кунда Нурободда 76 та мактаб мавжуд бўлиб, ўтган ўқув йилида 2 мингдан ортиқ битирувчининг атиги 224 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган.

Кейинги икки йилда 9, 37, 47 ва 71-мактабларнинг битирувчилари олий ўқув юртига ўқишга кирмаган.

Вилоят ҳокими туман мактабларидаги бундай ҳолатнинг асосий сабаби нимада эканлиги билан қизиқди. Мактаб директорлари буни кадрлар етишмаслиги билан боғлади. Айниқса, мактабларда инглиз тили, кимё, математика фанлари ўқитувчилари етишмайди. Айни пайтда фаолият олиб бораётган муаллимларнинг деярли 20 фоизи ўрта махсус маълумотли экан. Шунингдек, мактабларда ишга қабул қилиш тизими шаффоф эмаслиги қайд этилди.

Э.Турдимов ўқитувчилар

тайёрлаш учун мақсадли қабул имкониятларидан кенгрок фойдаланиш зарурлиги, бошқа ҳудудлардан келиб дарс берадиган ўқитувчилар учун зарур шарт-шароит яратиш кераклигини таъкидлади. Бу борада туман ҳокимлиги мутасаддиларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси эълон қилган миллий рейтингда юқори кўрсаткичга эришган Иштихон, Пахтачи ва Пайариқ туманларидаги мактаблар фаолияти эътироф этилди. Ушбу муассасалар раҳбарлари вилоят ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.

Қарор ва ижро

Янги мактаб-интернат ташкил этилди

Вилоят ҳокими Э.Турдимов шу йил 30 октябрь кун Самарқанд-да Мирзо Улуғбек номидаги математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вилоятда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улғайиб келаётган ёш авлодни илм-фанга кенг жалб қилиш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, математика ва физика фанлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қарорга кўра, Самарқанд шаҳар Сартепа масканда жойлашган собиқ 10-сон Меҳрибонлик уйи бино ва иншоотлари янги мактаб-интернат учун ажратилди.

Қуйидагилар ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда математика, физика, информатика ва инглиз тилини чуқур ўқитишлишни ташкил этиш;
- математика ва физика фанлари бўйича иқтидорли ўқувчиларни танлаш, уларга

ушбу фанлардан замон талаблари даражасида чуқурлаштирилган билим бериш, олий таълим тизими учун юқори интеллектуал салоҳиятли ёшларни тайёрлаш;

- ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва фаоллаштириш;

- ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- иқтидор ва истеъдодни аниқлаш ҳамда камол топтириш бўйича ўқувчиларни республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловлар ва бошқа тадбирларда қатнашишга тайёрлаш.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори талаблари асосида йўлга қўйилди.



1 километрдан 50 километргача ЮГУРИШ МУМКИН

Кеча вилоят Матбуот уйида 1 ноябрь кун Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Samarqand Half Marathon» (яриммарафон)га тайёргарлик бўйича брифинг ўтказилди.

Брифингга яриммарафон Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт туризмни ривожлантиришдан ташқари хайрия миссиясига, яъни аутизмга чалинган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани таъкидланди.

2-саҳифа >>>

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти" ҳамда "Тасаввуфнинг вазифалари: тариқат ва шариат" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Бухоролик имомлар

Самарқанд масжидларида амри маъруф қилди

Семинарда "Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ва ҳозирги кундаги аҳамияти", "Қалом илми ривожига мовароуннахрлик алломаларнинг қўшган ҳиссаси", "Таъвилот ал-Қуръон" асарининг дунё миқёсида ва Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси", "Бухородаги Саффорийлар оиласининг Мовароуннахрда қалом илми ривожига қўшган ҳиссаси", "Мумтоз тасаввуф ва замонавий тариқатчилик" каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

– Бухоролик дин вакиллари билан ҳамкорликда бу каби семинарлар мунтазам ўтказиб келинади, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили З.Эшонқулов. – Эндиликда марказда бошқа вилоятлардаги масжидлар имомлари иштирокида ҳам ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари ташкил этилади. Вилоятимиздаги масжидларда бухоролик имомлар иштирокида "Сохта тариқатчиликнинг салбий оқибатлари" мавзусида маърифий суҳбатлар ўтказилиб, жума намози адо этилди.

Меҳмонлар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактабида яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Семинарда вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Мамадқулов иштирок этди.

Ҳусан ФАЗЛИДДИНОВ.

СИЁСАТ ВА ҲУҚУҚ

1 километрдан 50 километргача ЮГУРИШ МУМКИН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қайд этилишича, бу йил аниқ белгиланган масофа йўқ – ҳар бир иштирокчи 1 километрдан 50 километргача бўлган масофани ўз хоҳишига кўра босиб ўтади ва югуриш манзиллини ҳам ўзи белгилайди.

– Ҳозирги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, мусобақа онлайн форматда ўтказилди, – деди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Шўхрат Рўзиев. – Бу орқали республикамиз, айниқса, вилоятимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, дунёнинг турли мамлакатларидаги минглаб одамлар эътиборини жалб қилиш мумкин.

Эртага – 1 ноябрь куни соат 09:00 дан 11:00 га қадар профессионал спортчилар учун 21 километр масофага мўлжалланган классик яриммарафон ўтказилади. Шунингдек, 11:00 дан 21:00 гача бошқа иштирокчилар ихтиёрий масофага югуради. Самарқандда бўлмаган иштирокчилар учун югуриш виртуал форматда ўтказилади.

– Яриммарафонда асосий эътибор жамоавий, яъни, югуриш клублари ва корпоратив жамоаларни жалб қилишга қаратилади, – дейди «Samarkand Half Marathon» яриммарафони раҳбари Мирхан Сагитов. – #moviynurtarat хештеги остида ўтайдиган марафонда GPS Strava мобил иловаси орқали финалчиларнинг якуний натижалари сайтга автоматик равишда юкланади.

Иштирокчилар камровини янада кенгайтириш мақсадида онлайн форматда 1 километр масофада “Болалар югуриши” ва “Скандинавча юриш” қўшилди.

1 ноябрь куни ўтказиладиган яриммарафоннинг расмий сайтида бутун дунё бўйлаб иштирокчилар югуриб ўтган масофаларининг жами ўлчамлари жонли эфирда узатиб борилади. Босиб ўтилган масофанинг умумий узунлиги энг катта бўлган жамоа ва ҳудуд ғолиб бўлади.

Эслатиб ўтайти, хаваскорлар ўртасидаги беллашув 15 ноябрдан давом этади. Яриммарафонда катнашиш истагида бўлганлар шу санагача www.samarkandhalfmarathon.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиши мумкин.

Хусан ЭЛТОВЕВ.

Халқ демократик партияси ташкил этилганига 29 йил тўлди

Сана муносабати билан вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ва фахрийлари иштирокида видеоконференция ташкил этилди.



Бугунги кунда вилоятда 27 минг 850 нафар киши партия сафига қабул қилиниб, партиянинг сайловолди дастури ва ғояларини тарғиб этишда фаол иштирок этмоқда. Ўтган йилги сайловда вилоятнинг 16 та сайлов округидан партиядан 3 нафар номзод – У.Вафаев, С.Останов, Ш.Бўронов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди. Вилоят Кенгаши депутатлигига сайловларда 9 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 109 нафар партия номзодлари ғолиб бўлди.

роқлар қабул қилинишига эришилган. Партиянинг “Аёллар бандиби – оила фаровонлиги”, “Ёшларга кўмак” лойиҳалари доирасида қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, депутатлар ва фаол ёшлар ташаббуси билан жойларда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга саховат ва муруват ёрдамларини кўрсатиш мақсадида “Партия кўнгиллилар гуруҳлари” ва “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Депутатлар томонидан партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар асосида депутатлик гуруҳида 11 та, доимий комиссиялар йиғилишларида 21, сессияларда эса 25 та масала кўриб тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Тадбирда партиянинг “Эҳтиром китоби”га киририлган бир қатор фаолларга партия нишон, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ойтула АБДУРАИМОВА.

МИБ Тойлоқ тумани бўлимида “дам еб ётган” ҳужжат ижросини ким таъминлайди?

Ўтган йили Миллий гвардия батальон командири Ш.Норбоев хизмат машинасида ўғлим бошқараётган машина билан тўқнашув содир этди. Оқибатда “Дамас” автомобиллимиз ярқосиз аҳволга келди, у ҳам майли, ўғлимнинг оёғи етти жойидан синди.

Ҳеч кимга ҳеч нарса даъво қилмадим. Темир-терсақка айланган машинани сув текинга сотиб, ундан қутулдим. Ўғлимни даволатдим. Аммо маст ҳолатида хизмат машинасини бошқариб, бир йилгити жиддий жароҳат етказган миллий гвардия ходими ақалли бир марта ўғлимдан хабар олмади. Ушанда унинг бу қадар субутсизлиги, беорлигига эътибор қилмаганим.

Негаки, ишни атрофлича кўриб чиққан ҳар-

бий суд ўғлимнинг фойдасига 2 миллион сўм, даволатиш харажатларини ҳисоблаб, менинг фойдамга 23 миллион 53 минг 271 сўм ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Майли, деб шуниси ҳам рози бўлдим. Аммо энг катта сарсонгарчилик, бош оғриғи шундан сўнг бошланди. Чунки ўғлимни даволатиш учун бор-будимни сотиб бўлганман. Ҳали олдинда яна муолажалар олиши керак. Лекин Мажбурий ижро бюросининг “ўйин”ларидан бошим қотган.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, жорий йилнинг 29 февралда келиб тушган суд ҳукмининг бугунги кунгача ҳам ижро қилмаслик мумкинми?!

Менинг фойдамга ундирилмаган зарар билан боғлиқ ишни юриятаётган ижрочини ал-

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Бу ҳуқуқларни таъминлашда судлар муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон, яъни умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги қонунлар яратилган. Уларнинг асосига қонунийлик, демократия, ошкоралик, одиллик, инсонпарварлик, жиноий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари қўйилди.

Бироқ норматив ҳуқуқий база қанчалик янгилиниши, такомиллаштирилишига қарамай профессионал судьялар корпунсининг шакллантирилмаганлиги, тизимга турли йўллар билан, таниш-билишчилик, коррупция ва пора бериш орқали суқилиб кириш, турли мансабдор шахсларнинг судлар фаолиятига ҳолатлар мавжуд бўлганлиги боис, суд том маънодаги мустақил ва адолатли суд ҳокимияти даражасига кўтарилмади. Йилдан-йилга фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи суъайиб борди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қабул қилинган ҳукмларнинг аксарият қисми юқоридан берилган кўрсатмага, дастлабки терговнинг ноҳолис материалларига, сохталаштирилган далилларига асосланди. Фуқаролик ёки иқтисодий ишлар бўйича судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақида ҳам, ҳеч иккиланмасдан шу фикрни билдириш мумкин.

Аслида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдан иборат. Зеро, суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир.

Суд ҳокимиятининг вазифаси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳамда мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва кўлашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Ўзбекистонда мустақил, адолат-

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



ли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, у мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказидаги, асосий масалалардан бирига айланди. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш мавзуси Президентимиз нутқларида таъкидлаб келинди.

Ўтган қарийб тўрт йил давомида суд-ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш, чинакам мустақил ва холис, коррупциядан холи бўлган судьялар корпунсини шакллантиришга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий асослар яратилди. Бу борада ўттизга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини қутиб турган муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишига қодир бўлган, юксак малакали, ҳалол ва пок виждонли суд ходимлари корпунсини шакллантириш, судларда ишларни кўриш сифатини янада ошириш билан боғлиқдир.

2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони бу борада амалга оширилаётган тизимий ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Фармонда одил судловни амалга оширишдаги муаммолар, одил судловни таъминлашнинг институционал асослари, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ устувор йўналишлар кўрсатиб берилди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизmlарини кенгайтириш мақсадида суд тизимидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилади.

Иккинчидан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Ташкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Бундан кейин вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларга бир нафар суд раиси раҳбарлик қилади. Суд раиси ўз ўринбосарларига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ўринбосарлар фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳам ҳисобланади. Бу эса, жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Учинчидан, суд ишларини назорат тартибиде кўриш институти тугатилади. Натижада, суд ишларининг қайта-қайта бир неча инстанцияларда назорат тартибиде кўрилиши, фуқароларнинг овоз-бўлишига, судларда иш ҳажмининг асосиз ва мақсадсиз ортишига барҳам берилади. Қолаверса, коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишига чек қўйилади.

Тўртинчидан, прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилади. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мувожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этишининг ҳуқуқий механизmlари яратилади. Бундай қоидаларнинг киритилиши албатта суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойиллини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилади. Бу эса, суд органлари фаолиятининг шаффоқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ижобий мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган шу каби инсонпарвар ислохотлар натижасида одамларнинг суд тизимига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бунини, судларга мувожаатларнинг кўпайиб бораётганида ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган оқлов ҳукмлари, фуқаролар, тадбиркорлар фойдасига қабул қилинган суд қарорлари сонининг ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Натижада, халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, ўзларининг ишончсини қоралайдиган, адолат посбони, деб қарай бошлади. Бундай ишончини янада мустаҳкамлаш учун судлар қонундан оғишмай иш туттишлари, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собитқадамлик билан қатъий боришлари ва шу асосда халқнинг ишончсини қоралайдиган зарур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини муттасил такомиллаштириш бориш зарур. Бунда, суд ва судьяларнинг ҳокимиятни бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга ва виждон амрига бўйсунини таъминлаш лозим. Ушбу ҳуқуқий асос, ўз навбатида, демократияни, холисликни, суднинг ҳаммабоб бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши зарур. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий қимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим.

Худоев МАМАТОВ, юридик фанлар доктори, профессор.



Ушбу мақоланинг тўлиқ шаклини қуйидаги QR код орқали zarnews.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

7 та хонадон ичимлик сув тармоғига уланди

Иштихон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Бўстон маҳалласида яшовчи Анорбий Ибоев неча йиллардан бери хонадони тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлигидан шикоят қилди.

Мувожаатда айтилишича, 2019 йил маҳаллада “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида сув тармоғи ишга туширилган бўлиб, ушбу тармоққа 7 та хонадон уланмасдан қолиб кетган. Фуқаронинг хонадонини тоза ичимлик суви билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мувожаати билан «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ Иштихон туман бўлими биргаликда ўрганиб чиқилди.

Натижада фуқаро А.Ибоев ҳамда унга қўшни бўлган 7 та хонадон марказлашган сув тармоғига уланди.

Шавкат ҲАМРОЕВ.



Жомбой туманида ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси қошида замонавий «In vitro» лабораторияси ишга туширилди. Бу ерда ёнғоқ, бодом, ўрик, беҳи, хурмо каби 80 хилга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда.

– Лабораториямизда йилига 15 миллион туп дарахт кўчатини етиштириш имконияти мавжуд, – дейди лаборатория биотехнологи Эҳбой Бозоров. – Энг сўнгги технологиялар ёрдамида мевали дарахт кўчатларини турли касаллик ва зараркундалардан холи бўлган ҳамда қурғоқчиликка чидамли, иқлим шароитимизга мос нав кўчатларини етиштиряпмиз. Йил охиригача 5 миллион туп мевали, шунингдек, Глициния, Дилоникс, Азалия, Канада церциси, Сакура сингари манзарали кўчатларни етиштириш кўзда тутилган. Шу йил кўкламда 500 минг доллардан ортиқ кўчат етиштирдик.

Биотехнологнинг таъкидлашича, лаборатория қошида агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган. Бу ерда тупроқнинг 15 хил кимёвий кўрсаткичлари, шунингдек, яроқ ва сув намуналари ҳам тўлиқ таҳлил қилинмоқда.

Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ олган сурат.

“Хат таҳрирсиз босилмоқда

унинг иш ҳақига қаратилди”, деган ўзлари ҳам ишонмайдиган жавобни беришмасди.

Жавобни-ку, болаб берибсизлар, хўп. Ҳурматли МИБ ходимлари, қани айтинлар-чи, Ш.Норбоевдан Миллий гвардия вилоят қўриқлаш бошқармаси фойдасига ундирилмаган салкам 7 миллион сўмлик қарз ҳам “дам еб ётибди”ми?!

Ҳаммаси майли, кунда-кунора турли ижтимоий тармоқларда алиментдан қарзини тўламаган оталарга маъмурий иш очиб, уларни қаматаётганларнинг тўғрисида хабарлар бериб турибсизлар. Бу қайсидир маънода яхшидир. Аммо сизларга навбатдаги савол – нега менинг ўғлимни майиб қилган Ш.Норбоевга маъмурий иш очмайсизлар?

Сўнгги ўтинчим, менинг ҳолатимга ўзларингиз қўйиб кўринлар?!

Арзимурод ФАЙЗИЕВ, Ургут тумани.

маштириш бўйича Мажбурий ижро бюросининг Тойлоқ тумани бўлимига икки марта мувожаат қилдим. На жавоб бор, на натижа.

Мазкур ҳолат бўйича zarnews.uz га мувожаат қилдим. МИБчилар қисқа вақт ичида жавоб хати беришди: “...хатланганда қарздор Шерзод Норбоевнинг номида мол-мулк аниқланмади. Қарзни ундириш Ш.Норбоевнинг иш ҳақига қаратилган.”

Ҳай, отасига раҳмат, деворгинг келади, шу жавоб хатини ёзган масъулга. Негаки, Ш.Норбоев миллий гвардия сафидан ҳайдалгунча нега хатлов ўтказиб, қарзни ундиришни унинг иш ҳақига қаратмадинг?! Ҳайдалгунча қаратмасан, ишдан кетаётганида якуний ҳисоб-китоб қилинган суммадан “ўшлаб қолишга” ҳафсала қилишинг учун ким тўсқинлик қилди?” деган саволлар тўғилади.

Алдагани бола яхши, деган мақолни МИБчилар фаолиятининг мезонига айлантириб олганми, дейман?! Аксинча бўлганда “фермер хўжалигида ишлаётган экан, қарзни ундириш

МАЪРИФАТ

Таълим ислохотлари

Халқ таълими соҳасини тубдан ислох қилиш, тизимдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар жамиятда ўқитувчи обрўсини ошириб, истиқболли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Ўқитувчилар рағбатлантирилади



Таълим тизимида туб бурилиш ясаши эътироф этилаётган "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Мазкур ҳужжат орқали ўқитувчини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, ўқитувчининг оиласидан, моддий таъминотидан хотиржам бўлиб, бор салоҳиятини таълим сифатига қаратиши, фаолиятига ижодий ёндашишига шароит яратилаётгани қувонарлидир, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Қўлдош Саидов. - Айниқса, фан ўқитувчиларини методик қўллаб-қувватлашда энг муҳим бўғин бўлган методистлар малака ва тажрибасини қайта кўриб чиқиш, шу билан бирга, уларнинг иш ҳақи миқдори олий тоифали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига тенглаштирилаётгани таълим сифати янада ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, 2024 йилга қадар юқори натижаларга эришган педагогларнинг ойлик маоши меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 15 бараваригача босқичма-босқич оширилиши ҳам соҳа ходимларини ўз устида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Мазкур фармон лойиҳасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш бўйича 3 кун давомида жойлардан тақлидлар олинди. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳам кўплаб таклиф (бандларга қўшимча ва ўзгартириш)лар илгари сурилди.

Фармон лойиҳаси билан танишиб чиққанамиздан сўнг, биз ўқитувчилар ҳам ўз тақлидларимизни билдирдик, - дейди Пайариқ тумани 71-умумий ўрта таълим мактаби она тили ўқитувчиси Гулшан Саидова. - Лойиҳанинг 4-банди қуйидаги мазмунда тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Мактаб ўқувчилари учун онлайн тизимда ўқув дарсликларини автоматлашган тартибда тақсимлашнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўқувчилар томонидан йўқотилган ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган ўқув дарсликларини харид қилиш учун Халқ таълими вазирлиги ҳар бир вилоят марказида биттадан китоб дўконларида дарсликлар сотилишини ташкил этиш".

Энди депутатлар ҳам мактабларда таълим сифати ва самарадорлигини оширишда бевосита иштирок этиб, директорлар фаолиятига ҳолисона баҳо беради.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

VII-VIII асрларда турли тилда гаплашувчи араб империяси вужудга келди. Улар босқинчилик сиёсатини юритиш билан бирга қадимги маданият, динлар, урфлар, ёзувлар ва билимдонларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Бу ўлкаларга араб тили, ёзуви ҳамда маданиятини тарқатдилар.

Араблар Амударё ва Сирдарё ўртасидаги бой ўлкани Мовароуннаҳр деб атаётганлар. Халифа Хорун ар-Рашид вафот этгач, унинг ўрнига ал-Маъмун халифалик вазифасини бажаради, Хуросоннинг пойтахти Богдодда илмий марказ ташкил этади. Унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан, Мовароуннаҳрдан ҳам олим-у фозилларни тўплайди. Хуросонда тўплаган олим-у фозиллар орасида Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур каби ўз замонасининг етуқ фарзандлари ҳам бор эди.

IX асрдан бошлаб, Самарқанд, Бухоро, Марв, Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида намоён бўла бошлади. Бу ўлкаларда араб, форс, туркий тиллар кенг тарқалган бўлиб, аҳоли ўртасида, айниқса, туркий ва форсий тилдан кенг фойдаланилган.

Бу вақтга келиб, пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр дунёвий ва тасаввуф илмларининг энг юқори чўққисига кўтарилган даври бўлди. Самарқанд ўқув мадрасаларида замоналардан ўтган фалсафа, математика, физика ва бошқа қатор илмлардан дарс ўтилган бўлса, ислом илмлари сифатида калом, ҳадис, фикҳ, ҳандаса каби илмлардан ҳам сабоқ берилган. Айтганимиздек, Самарқанд ўқув даргоҳлари мадрасаларида ўз даврининг буюк алломалари Исмоил Бухоро

АЗАЛИЙ ИЛМ ДАРГОҲИ



рий, ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Косоний каби алломаларнинг ижод намуналаридан таълим берганлар.

Ўлкадаги тартибсизлик ва яққоҳ-кимлик туфайли чингизийлар томонидан парокандага учраган ўлкада жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинганлиги, санъат ва илм-фан вакиллари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар, меъмор ва мусаввирлар ўлдирилганлиги, тасодифан омон қолганлари эса турли ўлкаларга қочиб, жон сақлаб қолганлари тарихдан маълум.

Ана шундай шароитда, буюк Соҳибқирон Амир Темураш рақобатчи урушлардан хонавайрон бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларини мўғуллар мустамлақасидан озод этиб, ягона, мустақил ва мустаҳкам давлатга бирлаштирди. Унинг маркази этиб Самарқанд шаҳри тайинланди.

Шу даврда илм-фаннинг турли соҳаларида Самарқандда Давлатшоҳ, Самарқандий, Саккокий, Бисотий Самарқандий, Жавҳарий, Восифий, Ниёзийлар ижод қилиб, мадрасаларда дарс берганлар, қатор-қатор шеърый девонлар ёзганлар.

Илм-фанга катта эътибор берган Абу Наср Форобий (941 йил) ўз маълумотини она юрти Фороб-Ўтрорда олган бўлса-да, сўнг Тошкент, Бухоро, Самарқандда ўқиган. Маълумотларга қараганда, Самарқанд мадрасаларида талабаларга фикҳ, фалсафа фанларидан дарс берган.

Бутун умри давомида фикҳ ва калом масалалари билан шугўлланиб, шу соҳанинг номдор олимларидан дарс-сабоқ олиб маъмур муҳаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозараларда ғолиб чиққан Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам Самарқанд олимларидан таҳсил олиб вояга етган.

Ўз замонасининг машҳур чолғучиси бўлган Рудакий ўқиш учун Самарқандга келган. Мадрасаларда таҳсил олган. Бу ерда чуқур билим олиб, тез орада адабиёт ва санъат соҳасида ҳам донг таратган.

Амир Темураш Самарқандда илм-у урфон учун ўнлаб мадраса, масжид, хонақоҳлар қурдирган. Илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга чорлаган.

Қарийб қирқ йилга яқин Самарқандга ҳукмронлик қилган Улуғбек илмга қизиққонлиги ва мамлакатнинг равнақи-

ни кўзлаганлиги туфайли мадрасалар қурдирди. Деярли бир вақтнинг ўзига Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо эттирди. Самарқандда мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда ниҳоясига етказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплайди ва Самарқанддаги астрономик мактаб шаклланади. Мадрасага ўша даврнинг таниқли олимлари Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румийлар жалб қилинади. Мадрасада маърузалари мавлоно Шамсиддин Хафавий, Қозизода Румий, Улуғбек, мавлоно Коший ва Али Қўшчилар ўқийди.

Али Қўшчи ва Хожа Аҳрорлар ҳам ўзларининг ёшлик йилларини Самарқандда таҳсил олиш билан ўтказишади.

Абдураҳмон Жомий турли фанлар бўйича ўз таҳсилни Самарқандда ниҳоясига етказишни ихтиёр қилган. Улуғбек мадрасасида Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қўшчи каби алломаларнинг маърузаларини эшитиш шарафига муяссар бўлган. У фикҳшунос олим, араб тили, "Қуръон", ҳадислар бўйича мутахассис Фазлulloҳ Абуллайсдан ҳам сабоқ олган.

Шу замонда Самарқандда кейинчалик ҳам илм-маърифат ўчоғи саналган мадрасалар ҳамиша жўшқин фаолият кўрсатган, жаҳонга буюк алломаларни етказиб берган. Шунинг учун ҳам Самарқанд давлат университети ташкил топган жараён бевосита ана шу жўшқин фаолиятнинг бевосита давоми ҳисобланади ва биз дунёдаги бошқа улғў олийгоҳлар қатори Самарқанд давлат университетини ҳам 600 йиллик тарихи билан фахрлансак арзийди.

Абдураҳмон АЗИМОВ, филология фанлари номзоди, доцент. Шаҳриёр ЖўРАЕВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Муаллимлар нега қайта тайёрланяпти?

Хозирги кунда дунё бўйича 1,5 миллиард киши инглиз тилида мулоқот қилади. Лекин ушбу тилни она тили деб ҳисоблайдиганлар сони 400 миллиондан камроқ.

Статистик маълумотларга қараганда, 2015 йилда ривожланган мамлакатларда инглиз тилини ўрганаётган тарта таълимдаги ёшлар сони икки йил ичида икки бараварга ортган. Айрим ривожланган мамлакатларда ўтказилган сўровномаларнинг таҳлилига кўз ташласак, ўрта мактабларда дарслар тўлиқ инглиз тилида олиб борилиши шарт, деб айтувчи ота-оналар кўпчиликини ташкил қилади. Ҳатто халқаро майдонга чиқиш, халқаро ҳужжатларни расмийлаштириш, халқаро ҳамкорлик мулоқот тили сифатида ҳам инглиз тилини "омадга етакловчи калит" деб ҳисоблашади.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфига бораётган кўпчилик ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг хорижий тил сифатида инглиз тилини ўрганишини истагани билдирмоқда.

Буни инглиз тилининг ўзаро алоқа воситаси сифатида тобора кенг қўлланилаётганлиги ёки унинг интернетда қўйилаётган материалларнинг ярмидан кўпрогини ташкил қилиши билан изоҳлаш мумкин.

Республкамизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ чет тилларига ўқитишнинг мажмуавий тизими, яъни уйғун қўпчиликини ташкил қилади. Ҳатто халқаро майдонга чиқиш, халқаро ҳужжатларни расмийлаштириш, халқаро ҳамкорлик мулоқот тили сифатида ҳам инглиз тилини "омадга етакловчи калит" деб ҳисоблашади. Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфига бораётган кўпчилик ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг хорижий тил сифатида инглиз тилини ўрганишини истагани билдирмоқда. Шундан келиб чиқиб, Са-

марқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази чет тиллар ўқитувчиларини янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, ўқитиш методологиялари бўйича малака ошириш курсларида ўқитди. 2015-2020 йилларда 364 нафар ўқитувчи инглиз тили ўқитувчиси сифатида қайта тайёрланди. Қайта тайёрлаш курсларига асосан умумтаълим муассасаларида фаолият олиб бораётган немис, француз, испан тиллари ўқитувчилари ўз хоҳишларига кўра жалб қилинди. Бу ҳолат мактабларда мазкур тиллар ўқитувчиларининг дарс соатлари қисқариши билан боғлиқ бўладиган муаммоли вазиятнинг олдини олиш имконини берди.

Лекин бу фақатгина инглиз тилига эътибор қучайтирилмоқда, деган нотўғри қарашни келтириб чиқармаслиги лозим. Таълим тизимимизда барча хорижий тиллар учун тенг имкониятлар яратилган ва бошланғич синфдан ўқувчиларнинг ота-оналари истаклари асосида бир хил

даражада ўқитилмоқда. Бундан ташқари, ҳукуматнинг махсус қарори билан нафақат инглиз тили, балки бошқа тилларни билиш даражаси бўйича халқаро баҳолаш натижаларига кўра, тегишли ҳужжатларга эга бўлган умумтаълим мактаблари битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга киришда бирмунча энгилликлар яратилди. Жумладан, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан биргаликда ўтказилган тилловлар натижаларига кўра, немис тилини хорижий тил сифатида билиш даражаси бўйича Германиянинг Test DAF, француз тилидан халқаро имтиҳон натижалари бўйича Франциянинг Test DELF ва DALF дипломларини ва япон тилини чуқур ўрганганлиги тўғрисида сертификат бериш амалиёти жорий этилмоқда.

Аъламжон ИБРАГИМОВ, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори.

Октябрь ойи мамлакатимизда шу шiori остида ўзбек тили ва адабиёти фани ойлғий деб эълон қилинганди. Самарқанд шаҳридаги 80-умумий ўрта таълим мактабида фан ойлғийнинг шаҳар миқёсида яқунлаш тадбири бўлиб ўтди.

"Она тилим - сен руҳимнинг қаноти"



Унда шаҳардаги мавжуд 79 та мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, шаҳар маънавият ва маърифат маркази ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Фан ойлғийда кейинги йилларда ўзбек тили ва уни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор, тилимизнинг жаҳон миқёсида эътироф этилаётганлиги, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик маънасида эътибор.

Тадбирда ушбу мактабнинг юқори синф ўқувчилари томонидан тайёрланган ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи турли саҳна кўринишлари, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан намуналар ижро этилди.

Мазкур ойлғийда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчиларга эсдалик совгалари берилди.

Матлуба ХўЖАҚУЛОВА.

Биринчи синфни 1941 йилда тамомладим. Мактабимиз директори Марям Бекбоева уйимизга келиб:

- Баротнинг Оксой тоғида очилган пионерлар лагерига дам олиб келиши учун руҳсатингизни олгани келдим, - деди онамга.

- Ҳали Баротжон кичкинаку, зерикиб қолмасмикан, - деди онам.

- У ерга районимиз бўйича кўп болалар боради, уч маҳал овқат беради, ўйнаб, ҳордиқ чиқариб келади.

Онам рози бўлди, кўрпача ва ёстиқни тугунга боғлаб берди. Колхоз томонидан ташкил этилган от-аравага тўрт нафар бола ўтирдик. Улар орасида энг ёши мен, қолганлари 5-6-синфда ўқийдиган катта болалар эди. Арава сўқмоқ, чанг-тупроқ йўл юриб манзилга олиб бориб кўйди.

Кўрпа-ёстиқларни кўтариб лагерга жойлашган ерга етиб бордик. Лагерь бир кишининг чорвоғида жойлашган экан. Атрофи бўйра билан тўсилган-

ТИНЧЛИК ҚАДРИ - БЕБАҲО

ди. Кўрпачаларимизни ерга ташладик. У ерда на каравот, на гилам бор эди. Стол-стул йўқ, овқатланиш ҳам ерда, идиш-товоқларни ўзимиз ювамиз. Кечаси чирок, кўнгилочар тадбирлар, китоб ўқиш учун имконият йўқ. Уч-тўрт кунни шу аҳволда ўтказдик. Зерикканидан катта болалар қочиб кетишга ҳаракат қила бошлади. Ҳар сафар лагерга қорувчи уларни от билан қувиб, қайтариб келарди. Шу аҳволда 10 кунни аранг ўтказдик. Шўро ҳукуматининг биз, ёш пионерларга "ғамхўр"лиги мана шундай яқунланди.

1941 йил 21 июнь куни пионер лагерига директори барчани тўплаб мамлакатимизга немис босқинчилари ҳужум қилганини айтди. Биз уйга жўнадик. Йўл узок, чанг, тупроқ. Қишлоғимизгача масофа 45-50 километр эди. Йўлда чарчаб, оч қолиб, йиғлаб, минг машаққат билан уйга етиб келдик. Онам эшикда келишимни

кутиб турган экан, мени бағрига босиб йиғлади. Онам «сени лагерга юбормай мен ўлай», деб ўзини койир эди.

Уруш бизни, ёшлигимизни синдирди, болалик бахтидан маҳрум қилди.

Акам Белоруссия чегарасида хизмат қиларди. Урушгача уч-тўрт марта хат ёзди. Шундан кейин хат-хабар бўлмади. Отам билан онамнинг қайғусига биз, фарзандлар чидай олмадик. Колхоздаги меҳнатнинг оғирлиги уларни қийнади, отам ҳам, онам ҳам касалманд бўлиб қолди. Отам бу мусибатга чидай олмади, 1943 йилда вафот этди.

Афсуски, акам ҳам урушда ҳалок бўлди. Уруш ортидаги кийинчилик ва машаққатларни сўз билан ифодалаш қийин. Қишлоқдаги ишлар хотин-қизлар ва ёш болаларга қолди. Урушга кетганлар учун ҳам ишлаш керак, деган талаб ҳукм суради.

Аллоҳга шукр, уруш ғалаба билан тугади. Урушдан кейин мактабларда

ўқиш бошланди. Ялангоёқ, яланғош, йиртиқ-ямоқ кийимларда мактабга қатнадик. На китоб, на дафтар бор. Ярим кун мактабда ўқиймиз, ярим кун колхозда ишлаймиз.

Шўро ҳукумати томонидан олиб борилган шовинистик, атеистик сиёсат ҳам фашистларнинг босқинчилик сиёсатидан кам бўлгани йўқ. Мамлакатни коллективлаштириш, мол-мулкларни тартиб олиш, ер эгаларини (1930-1933-йиллари) сургун қилиш, отиб ўлдириш, айниқса, 1937-1938 йилларда «халқ душмани» тамғаси остида катагон қилиш, кейинги даврларда эса «пахта иши», "Ўзбек иши", деб 1980 йилларда Ўзбекистондан етишиб чиққан барча раҳбарларнинг бадном қилинганлиги тарих ҳеч қачон унутмайди.

Буларни бежиз айтмаяпман. Шукр, у кунларнинг барчаси ортда қолди. Ўзбекистон эркин, мустақил давлат. Бугун янги Ўзбекистонни қуриш учун меҳнат қилияпти. Бунда тинчлик, осойишталик бош мақсад қилиб белгиланди. Хусусан, Президентимиз Шавкат

Мирзиёевнинг Марказий Осиё республикалари ўртасида бирдамлик, ҳамкорлик ўрнатиш ташаббусини бугун дунё мактаблари қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, кейинги вақтларда қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган хайрли ишлари барча эрксевар халқлар учун намунадир.

Бугун дунёнинг айрим мамлакатларида уруш, таҳликали ҳолат ҳукмрон. Қолаверса, дунёга тарқалган короновирус касаллиги бизни ҳам четлаб ўтмади. Халқимиз бирдам бўлиб, бу касалликка қарши курашмоқда. Мамлакатимизда эълон қилинган чора-тадбирлар барчамизни сабрбардошли бўлишга ундамоқда.

Кекса авлод вакиллари бошидан кечирди. Насиб этса, бу болалар ҳам ортда қолади. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.

Барот АМИРОВ, меҳнат фахрийси.



ИНСОН ЎЗИНГ...



КИМ ЭДИ?

Баҳром Давлатшоев 1871 йил Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Давлатшоҳ татар миллатига мансуб бўлиб, асли касби тикувчи эди. Чор Россиясининг полиция хизматида ўтгач, Каттақўрғонга ишга юборилганди. Шу ерда ўзбек қизига уйланиб, хизматдан озод этилганидан сўнг бош оқсоқол бўлди. Бироқ кейинги йилларда тараққийпарварлик фаолияти учун Сибирга сургун қилинган.

Унинг ўғли Баҳром Давлатшоев ҳам эски мактаб ва европача мактабларда ўқиб ўрта таълим олади. Шундан сўнг Бухоро амирининг хизматида кириб, аввал мирохўр, кейин амирининг шахсий тилмочи вазифаларида хизмат қилди. Баҳром Давлатшоев Бухоро заминидан сарой мулозими, тараққийпарвар шоир сифатида танилди. 1910 йил унинг илк шеърли тўплами босилди. Бухоро жадидчилик ҳаракатининг вакили, "Ёш бухороликлар" партиясининг фаол аъзоларидан бири сифатида "Бухоро Шариф" газетасини тайёрлашда иштирок этди. Мусо Саиджонов раҳбарлик қилган "Баракат" Бухоро китоб дўконининг муассисларидан бири бўлди.

Февраль инқилобидан сўнг "Ёш бухороликлар" Бухоро амирлигининг тақдири масаласида Мирзо Иброҳим Субҳийнинг уйда йиғин ташкил этадилар. Йиғин якуний қарори билан улар Муваққат ҳукумат билан алоқага чиқиб, Бухоро ҳукумати учун озодлик сўрашга келиши олади. Шундан кейин "Ёш бухороликлар" Муваққат ҳукумат номига телеграмма ёзади. Телеграмма Баҳром Давлатшоев томонидан ёзилади ва у амир таъйинига учрашдан хавотир олиб, Оренбург шаҳрига кетади. У ерда "Вақт" газетасида ишлаб боради. Бир муддат ўтгач, "Ёш бухороликлар" кўмитаси "Вақт" газетаси таҳририятига телеграмма йўллаб, Баҳром Давлатшоевнинг зудлик билан Петроградга боришини ва Муваққат ҳукуматдан Бухоро учун мустақиллик сўрашини талаб этади. Баҳром Давлатшоев кўмитанинг буйруғини бажариш учун 1917 йилнинг март ойида Петроградга йўл олади. У мусулмон фракцияси орқали Муваққат ҳукуматдан Бухоро амирлидан "Ёш бухороликлар" учун тўлиқ эркинлик берилишини талаб қилади. Орадан икки кун ўтиб, Баҳром

Давлатшоевга мазкур масала юзасидан Бухорога телеграмма ва уч кишилик гурӯҳ жўнатилаётганини маълум қилишади. Баҳром Бухорога қайтишда Оренбург вокзалида "Ёш бухороликлар"дан Фитратни кўради. "Ёш бухороликлар" кўмитаси Фитратни ҳам Петербургга йўллаган эди. Улар биргаликда Бухорога қайтадилар.

Баҳром Давлатшоев совет ҳукуматининг биринчи кунларидан унга қарши курашга бел боғлади. Колесов воқеалари вақтида масжидларга бориб ҳаммани советларга қарши курашишга, қўлга қурол олишга чақирди. Колесов воқеаларидан сўнг Эски Бухорони тарк этиб, Каттақўрғонга қайтиб бир муддат масжид имоми сифатида фаолият олиб боради. 1920 йил Бухоро инқилобидан сўнг Эски Бухорога кўчиб ўтади. Файзулла Хўжаев ҳукумати унинг 1917 йил Петроградга сафари учун харажатларини ҳисоблаб, Баҳром Давлатшоевга 50 минг сўм миқдорда пул ажратади ҳамда амир томонидан мусодара этилган Эски Бухоро шаҳридаги уйини ўзига қайтариб беради.

1921 йил Бухоро ҳукуматида аввал халқ терговчиси, сўнг ҳукумат идораси ходими сифатида иш олиб боради. Бухоро матбуоти саҳифаларида кўплаб чиқишлари билан ижодга шўнғийди. Бирок советларнинг тўлиқ ҳокимиятни қўлга олишларига тиш тирноғи билан қарши эди. Шунинг учун Бухорода уни совет ҳукуматида қарши кўзғолонга даъват этишда айблаб, қамоққа олишади. 1923 йил қамоқдан чиқиб, Бухородаги бир вақтлар амир томонидан берилган уйини сотиб, Каттақўрғонга кўчиб кетади.

Баҳром Давлатшоев Каттақўрғонда яна Туркистон Республикаси Марказий ижроия кўмитаси томонидан шаҳар молия бўлимига ишга олинади. Бироқ унинг изидан тушган кимсалар асло

кузатувни тўхтатмади, аксинча унинг советларга қарши ташвиқоти ҳақида Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ)га тинимсиз ахборотлар йўллаб чарчашмади...

1929 йил 5 ноябрь куни Баҳром Давлатшоев раҳбарлигида Каттақўрғон ва унинг атрофида яшаган собиқ гилдия савдогарлари, диндорлар кулоқ деб топилади.

Уйда тинтув ўтказилиб, каттагина кутубхонаси, 4 та таржима асари ва бошқа асарлари тортиб олинади. Улардан тарихий ва илмий мавзуларда ёзилган қўлёзма ҳолидаги китоби, Бухоро амираи ҳаёти ҳақида ёзилган "Статуя деспота и очаг разврата" номли меморандуми муҳим манба эди.

Аслида Баҳром Давлатшоевнинг жинойи иши бошдан оёқ тўқима бўлиб, унинг қайси санада қамоққа олинганлиги ҳам маълум эмас. Жумладан, 1929 йил 12 сентябрь санаси билан Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) раҳбариятига ёзган аризасида ўзининг ўтмишини ҳикоя қилиб, ҳеч қачон заводим, саройларим, тегирмоним бўлмаган, Мен 60 сўм ижара пулим ва ўғлимнинг ёрдамида яшайман, дейди. У ўзининг совет сиёсий тадбирларига қарши эмаслигини, ҳатто 18 ёш қизи Саидани Каттақўрғондан Самарқандга лотин алифбоси курсида ўқиш учун йўллаганини ёзади. Яна бир шикоятда «Мени 17 сентябрдан бери сўроқ қилишмайди», деб ёзгирган эди...

1930 йил 23 апрелда ОГПУ мажлиси томонидан Баҳром Давлатшоев 5 йил Севкрайга концлагерга юборилади. Баҳром Давлатшоев вафоти ўташ жараёнида Архангельскда жазот этгани ҳақида маълумот ҳам мавжуд. Бироқ бошқа ҳеч бир тафсилот келтирилмаган.

1968 йил 13 октябр куни қизи Ойиша Давлатшоева отасининг кейинги тақдири билан таъкиқиб, шўроларнинг юқори идораларига мурожаат этади. Мазкур ариза асосида Баҳром Давлатшоевнинг иши қайта кўришга топширилди ва у 1969 йил 27 февраль куни ЎзССР Олий Суди томонидан оқланган.

Дарвоқе, «Шўро» журналида Баҳромбек Давлатшоевнинг «Туркистон халқина китоб» сарлавҳали шеъри босилган. Унда XX аср бошларидаги ўзбек жадид шеъриятига хос дилга яқин мисралар мавжуд:

*Бир эр йўқму сени уйқудан
уйғотувчи, эй миллат,
Тутуб эгнинг фунук йўлини
кўрсатувчи, эй миллат,
Эшит сўзим, фано денгизина
ботувчи, эй миллат,
Нечук уйғонмаюрсан оламнинг
фарёди зориндин.
Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори.*

Нимадандир ўзича зикраниб ўтирган зукко неваря бобосининг оғушига кириб, охиста сўрайди:

- Агар меҳр бўлмаса, нима бўлади, бобо?
- Нима бўларди, чирогим, жамики жонзотлар ваҳшийлашиб кетади.
- Агар меҳр қамайиб қолса-чи?
- Унда одамлар ярим ваҳшийлашиб, тошбағир бўлиб қолишади.
- Нега меҳр қамайиб кетади?
- Меҳрнинг қамайиб кетишига асосий сабаб, одамларнинг моддий ноз-неъмат – пул, бойликни ўз биродарларидан устун қўя бошлаганидир. Бунда одамнинг қалби ўша жонсиз бойликлар таъсирида қорайиб, қотади ва касалланиб, ўлади, болам.

- Қалбни инсон оз-оздан поклаб борса бўлади. Бунинг йўли ҳайвоний нафс қусурларидан қутулиб, покиза инсоний фазилатларга эга бўлиб боришдир. Тана қусурлари бар-тараф этилсагина, қалб покланади. Бу жуда узок, машаққатли жараён.

Танадаги нафс қусурлари қалбга соя ташлайди ва уни булғайди. Ҳаром қилишгача олиб бора олади. Бундай нотоза қалбга Худо ҳам, унинг сифатлари – меҳру оқибат, ҳалоллик, поклик, гўзаллик, виждон, имон, этиқод, шафқат фаришталарининг киргилари келмайди, албатта. Ўйла, ҳаром уйга ким қиради? Агар у қаср бўлган қалб бўлса... Бундай қалб ҳаром анқийган ғор, бошқа ҳеч нима. Тана тирик, нафс қутқуси мавжуд экан, бу

Жаннат роҳатлари

фақат машаққат чеккан одамга насиб этади

- Демак, қалб қорайиб, қотса, меҳр қамаяр-канда-а?
- Албатта, қамаяди, нафақат меҳр, балки соғинч, илохий шафқат, мурувват, инсоний қадр-қиммат ҳам қамайиб кетади ва жаҳолат юз беради.
- Жаҳолат деганингиз у нима?
- Жаҳолат бу – илмсизлик, яхши ўйларнинг маҳв бўлиши, фаҳм-фаросатсизлик.
- Илм қаерда бўлади ўзи, бобо?
- Илм – Худодир! Худони илмсиз англашга уриниш рўйдир.
- Рўё нима?
- Рўё бу – номавжудлик, сароб ҳиссиётлар, хомхаёллар олами.
- Меҳр-чи? Меҳр қаерда бўлади?
- Меҳр Худога бўлади ва ҳар бир бандасининг фель-автори, салоҳияти, илмлик даражаси, қалбининг тоза ёки нотозалигига қараб ўлчаб, тақсимлаб берилади Яратган томонидан.
- Бировга оз, бировга кўп бериладими, бобо?
- Ҳа, болам, бировга озроқ, бошқа бировга кўпроқ берилади.
- Нега, бобо?
- Бу қалбнинг поклигига боғлиқ. Қалбан бутунлай пок одам мавжуд эмас. Чунки инсон моддият, жисм ва нафсининг қоринмасидир. Нафс – шайтон, болам.
- Шайтон нима, бобо?
- Шайтон бу – одамзотни алдаб, авраб тўғри йўлдан оздирувчи нотоза руҳлар қоринмасидир. Бу – ҳийла, найранг ва афсундир!
- Афсун нима, бобо?
- Афсун – ўзгаларни алдаб-авраб номавжуд ҳодисага тўла ишонтира олиш. Мисол учун, «Ҳозир мен сенга зўр бир қимматбахо, ноёб китоб келтириб бераман» дея авраб, алдаб ва шунга ишонтириб, пулингни олиш ва китобни келтириб бермай, жуфтаникни ростлаб қолиш, бу сени моҳирона ишонтириб, алдаб кетишдир, чирогим.
- Қалбни қандай қилиб поклаш мумкин, бобо?

ҳаром-ҳариш, қорайган ғорни батамом тозалай олмайдими, барибир ҳам, ўша ҳаромнинг юқлари қолаверади. Яна инсоний қалбни поклаш худди чанг-ғуборли, кир, кенг кўлам кўзгунини оз-оздан артиб, ювиб, поклаб боришга ўхшайди. Илло, болам, бу кўзгунини ҳам ўша ҳаром ғор каби батамом поклаб бўлмайди. Шунингдек, яна тўғма пок қалбли содда, оққўнғил, гўзал одамлар ҳам бўлади, улар бениҳоя ёқимли, иқтидорли ва гўзалдирлар.

- Комиллик дегани нима?
- Комиллик етук инсон, дегани. Комил инсон ҳали мавжуд эмас бу оламда. Гард, ғубор юкмаган яқка-яғона поклик, комиллик, меҳру шафқат ҳам ёлғиз Худога жамланган. Биз ана шуларни излаб, ахтариб Худога муттасил талпиниб, интилиб яшаймиз. Бу яхши, болам. Худосизликдан асрасин. Инсон қалбини илм ювади, илм поклайди. Бу – амал қилинадиган илми аъмоқдир. Амалсиз этиқод ҳам, илм ҳам ўликдир. Илло қотган, ҳаракатсиз, ҳиссиз илм кимга керак? У миянинг ичида ғуж бўлиб қотиб ётади, фаолиятда, эркин, озод эмас. Бу кимга керак, агар миянинг ичи тўла, ғиж-ғиж илм бўлгани тақдирда ҳам.

Айримлар, айниқса ёшлар юзлаб китоб ўқишади. Шунда «Ҳа, буларнинг мияси тўла илм бўлса керак» деб ўйлайсан. Аммо улар шу олган илмларини ҳаракатлантириб, ҳаётда амалда қўллай олишмайди. Шундай бўлгач, у кимга, нимага керак? Миянинг ичида сочилиб ётган жонсиз чиқинди ҳолос. Аммо шу чиқиндилар ҳам тартибга келтирилса, сараланса, амалда қўлланилса, бу – турган-битгани хазина! Оламда имконсиз, ҳал бўлмайдиган ҳеч бир муаммо йўқ.

Инсон Худо берган иқтидори, тўплаган илмларининг ҳосили – гўзал, тотли меваларини тирик-лигида тотиши керак, бунга у тўла ҳақли, болам! Тирикликда жаннат роҳатларини тотмоқ учун ҳар ким энг аввало, ҳаёт машаққатларини чекмоғи лозим. Шусиз иложи йўқ, болам!

Муродим УМРЗОҚОВ.

Марямхон китоб ўқишга ҳам вақт топади. Одамга умид берадиган, энгилмасликка чорлайдиган асарларни ўқишни яхши кўради. У мадад оладиган қаҳрамонлар Биби-хоним, Қурмонхон додхо, Тўмарис момо, у севиб ўқийдиган асарларни Нодирабегим, Зулфия, Ҳалима Худойбердиевалар ёзган. Албатта, ижод оламида даҳолар кўп, уларни кучи етгунча ўқийди. Китоблар ичидан бобосининг, момосининг дуоларини, ота-онасининг насихатлари давомини топиб ўқийди.

Каттақўрғон тумани мактаб ўқувчилари Марямхон билан учрашишни истадилар. Опа ўзини жон қўлоғи билан тинглайдиган, кўзлари ёниб турган ёшларга жасоратнинг йўли ҳақида ҳикоя қилиб беради. У кирган давраларга шиддат, орзу, завқ кириб келади...

Марямхоннинг отаси ҳайдовчи(таксичи), онаси уй бекаси эди. Улар оилада ўн уч фарзанд эди, беш қиз, саккиз ўғил. Отаси одамларни манзилига етказиб қўйиб, топган ҳалол пули эвазига, онаси ўн уч фарзандини аллалаб, оқ ювиб, оқ тараздан вақт ортириб, пишириқлар пишириб, болалар кийимлари тикиб топган, машаққатли меҳнати эвазига оиладаги ўн етти жонни боқар эдилар.

Кексалар Марямни Ниёзмамат (отасининг отаси) бобосига ўхшатишади. У киши тадбиркор, тиришқоқ, изланувчан, одамларга меҳрибон эдилар. Қатағон йилларида Кавказга сургун қилинган.

Катта ҳовлида ҳеч ким тиниб турмас, ҳаммага иш топилар эди. Марям мактабни битиргач, Тошкент тўқимачилик институтининг "Тўқимачилик материалшунослиги" факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Тиришқоқ, изланишдан чарчамайдиган кизин домчалари институтда олиб қолишади. Икки йиллик илмий изланишлар давомида ўзининг юртидаги пахта заводига амалиёт ўташ учун келди-ю қайноқ меҳнат кучоғидан айрилломай қолди.

Каттақўрғон пахта заводига ўттиз йил меҳнат қилди, бўлим бошлиқлигидан директор ўринбосарлигигача бўлган йўли босиб ўтди. Катта жамоа уни ҳали бери нафақага қўйиб юбормоқчи эмас эди...

1



Марямнинг қониди ишбилармонлиги учун кулоқ бўлган Ниёзмамат бобосининг армонлари, ташкилотчилиги каби мерос туйғулар кезарди. Нафақага чиқиб, турмуш ўртоғи Номоз ака билан гапни бир жойга қўйдди. "Қумуш тола" корхонасига асос солди. Уйда боқилётган ҳамма молларини, "Нексия" машинасини сотди. 350 минг сўм пул билан иш бошлади. 2000 йилга бир ҳафта қолганда, ҳужжатлар тайёр бўлди.

Дастлаб, етти-саккиз киши билан иш бошлади. Марям уларга режаларини тушунтирди, ишонтирди. Турмуш ўртоғи ускуналарни ўрнатишда ёрдам берди.

2

Дўстлар анча ойлار текинга ҳам ишлаб беришди. Ягона транспорт эрининг кажавали мотоцикли қолган эди. Бизнес-режа тузиб, давлатдан уч йил муддатга, 3 миллион сўм кредит олишди. Кредитни узиш пайтида 15 миллион сўм пулим бўлади, деди-ю гапидан ўзи ҳам ҳайратга тушди. 2003 йил БААга 37 000 АҚШ доллари илақ толаси сотилди. Ижарага турган бинони сотиб олишди. Салондан янги «Нексия»ни миниб чиқишди.

Марям кўринишидан жиддий, вазмин аёлга ўхшайди. Ичидаги тўфонларни сездирмайди. Минбарларда

3

ЮЗ ЙИЛ ЯШАШГА

(Каттақўрғон туманидаги "Қумуш тола" хусусий корхонаси раҳбари,

ҳам босиқлик билан гап бошлайди-ю натижасини рақамлар билан тугатади.

Рақамлар билан ўқувчини зериктирмоқчи эмасману, айтмасам бўлмайди-да. Бугунга келиб, "Қумуш тола" хусусий корхонасида 150 киши меҳнат қилади. Беш минг киши мавсумий (бу йил яна кўпаяди) ишлайди. Шунча оиланинг ейишга нони, кийишга кийими бор дегани бу! Рўзгорнинг катталигини қаранг! Оилада 17 нафар кишининг бир дастурхонда жамланган пайтларида бугунги ишларга асос солингандир балки. У 2014-2019 йилларда туман ва вилоят Кенгашига депутат бўлиб сайланди. Халқнинг дардига дармон бўлди.

Марям Ниязова халқро кўргазмаларда қатнашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экспортини кўпайтиришга эришган тадбиркор раҳбар. У бошчилигида корхона 2017 йилда 580 минг АҚШ доллари миқдорда, 2018 йил 1 миллион 630 минг, 2019 йил 1 миллион 934 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди. 2017 йил республика "Тадбиркор аёл уюшмаси"нинг "Энг яхши экспортёр аёл" номинацияси бўйича биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

2019 йилда корхона томонидан Қозоқовул қишлоғи худудидидаги собиқ ипак йиғирув цехи ўрнида машиий хизмат кўрсатиш шохобчаси, савдо мажмуалари ва 30 ўринли меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Сир эмас, пиллачилик ўз нуфузини йўқотиб, табиий, экологик тоза, ипак толаларга талаб ва эътибор йўқолган, одамлар сунъий толалардан тўқилган инсон организми учун зарарли кийимларга ўргана бошлаган эди. Марямхон қумуш толанинг обрўйини тиклади. Бор маблагини тикди. Мана натижаларни қўриб турибсиз. Бу корхонада алдов йўқ, хиёнат йўқ. Ҳамма иш очиқ-ойдин, жамоанинг кўз ўнгида рўй беради.

4

Хумор момо

Эрталаб дарвоза олдини супуриб-сидириб, ерга тушган ўрикларни териб турсам, кўшнимиз Сарвар опа йўлдан ўтиб қолди. Ёнида ўгли велосипед етаклаб келяпти, рулига тўрхалта осиб олган.

– Ҳа, кўшни, эрталабдан қаердан келяпсизлар? – дедим ҳол-аҳвол сўрашгач.

– Кеча Хумор момо илтимос қилувди. Ул-бул нарса керак экан. Ўғлимни бозорга юборувдим, шуни бериб келайлик, деб боряпмиз...

Хумор момо биздан бир ҳовли нарида туради. Уч қизини турмушга берган, икки ўғли сал узокроқдан ҳовли-жой қилган, кенжаси ҳам уй-лангач, шаҳарга кўчиб кетган. Ҳай-хотдай хонадонда ҳозир ёлғиз ўзи яшайди. Қўшнилар навбати билан хабар олишади, дарвозаси олдини сув сепиб, супуриб қўйишади. Биров кириб суҳбатини оладиганлар ҳам бор. Чунки момо жуда самимий, меҳрибон аёл, хурматга лойик.



ҳафтада бир борасан» депти.

– Ҳа, энди моможон, ҳар ким ўзининг ташвиши билан бўл қолди, – дедим кўнглини кўтариш учун.

– Билмасам, болам. Бизнинг даврда бошқача эди. Бировни ёлғизлатиб қўйиш гуноҳ эди. Катта қизим неваралик бўлган, қўли бўшамади. Иккинчи қизим духтур, бугунларда иши кўп экан. Қайси куни ош бериб юборибди, ҳатто еб кўрмадим, ош-хонада турганди. Одам таомни эмас, одамни соғинаркан, болам...

Кейин Хумор момо ўз ҳаёти, болаларини қандай катта қилгани ҳақида гапириб кетди. Туришни ҳам билмайман, эшитмасликни ҳам...

Очиги, бу гаплар менга янглик эмас. Хумор момо эридан эрта ажралди, бояқиш Собир ака жигар касалидан вафот этди. Олти бола учун уйда ҳар йили икки сигир ва ҳўкиз боқиб, уч ўғлини ўқишга киритди, уйлантирди, уч қизини ҳам ўқитди. Момонинг томорқадан чиққан неъматларни бозорга олиб кетганини ўзим кўрганман. Бозорлик қилиб, ўқишга – ўғил-қизларининг олдига ҳам бориб келарди. Энди эса 80 ёшида...

Яқшанба куни онам билан ош қилдик. Ҳамсоятовоқ олиб, момоникига ўтдим. Бу гал у киши туш пайтида дам олиб ётган экан.

– Кел, болам...

– Ош олиб келувдим, момо...

– Овора бўпсанда, болам, бу ёшда ошни ҳазм қила олмайман... Ҳа, майли, ке, ният қилибсан, бирга еймиз, бир чуқум ерман...

Момо бир қошиқ ош егач, «Болам, чанқадим, уй бурчагидаги сатилда сув бўлса керак, бир пиёла олиб бер... Кейин бир чойнак чой ҳам дамла, роса чойни соғиндим...» – деди.

Қарасам, сатил қуп-қурук, демак момо 2-3 кун ичида чой ичмаган. Ҳовлидаги қрандан сув олиб келдим, чой қўйдим. Ҳовлининг бир қисми роса тартибсиз экан. Момо яна сезди, лекин бу гал дардини яширмади.

– Кеча кичик қизим куёвдан овқат бериб юборибди. Кўргандирсан, дастурхон четида турибди, қўл ҳам теккизганим йўқ. Эҳ, болам, кун санайман, йигирма кун бўлди кўрмаганимга. Менга овқати эмас, ўзларининг дийдори керак.

– Келиб қолади, момо, иши кўп бўлса керак...

– Иши кўп? Кечаси ёки эрта тонгда ишламаса керак. Кичик ўғлим битта неварамни ёнимда қолдирган эди, яна олиб кетди, қишлоқда мактаб сифати ёмон эмис. Мен уларни шу мактабда ўқитиб одам қилдимку, болам. Қизларим мени уйига олиб кетмоқчи бўлишди, очиги, куёвларим, қудаларимдан уялдим...

Момонинг хузуридан юрагим тўлиб қайтдим.

Бир кун қарасам, дарвозаси олдида машина турибди. Болалари келган бўлса керак, деб эртаси куни ўтдим. Куз эрта келгани учун ҳаво салқинроқ эди. Ҳовлига кирсам, ўртадаги дорда иккита рўмол ва иккита қўйлақ осилган. Қизи келиб, кирларини ювишти, деб ўйладим. Ушлаб кўрсам, ҳали суви қурмаган, яхшилаб сиқилмаган, ғижими ҳам очилмаган. Демак момонинг ўзи ювган.

Ҳаво совуқ бўлишига қарамасдан эшиклар очик экан. Уйга киргач, саломлашиб, эшикни ёпдим.

– Шамоллаб қоласиз, момо...

– Қўй, болам очик турсин. Ўғлим совуқ тушса, олиб кетаман, деган эди. Шунга қўйлагу рўмолимни ювиб қўйдим. Ҳадемай кеб қолар...

– Кеча кирай, десам, уйингиз олдида машина турган экан. Болалари келган бўлса керак, деб кирмадим...

– Ҳа, ўғлим, набираларим келишди. Роса бағрим тўлди. Тўйиб суҳбатлашдим. Аммо... ҳаммаси бирдан кетишди. Уйим хувиллаб қолди...

Ўша куни момо билан дурустроқ гаплаша олмадим. У киши ҳам гоҳ деразага, гоҳ дарвозага тикилади, гапларини эшитмайди, хаёли ваъда берган ўғлининг келишида. Мен эса ёш бўлсамда, ёлғизлик нима эканини англаб етгандек бўлдим...

Муниса ШАМСИЕВА.

Ҳикоя

– Тинчлигимизни ўзи билан олиб кетди бобонг. Ўн ёшли неварга кўз ёшларини артган бувисининг бу гапига ҳам тушунмайди. Лекин бобоси вафот этгандан сўнг, ўқитувчилик қиладиган ота-онаси ҳам, ҳатто, унинг мактабда бериладиган уй вазифаларини бажаришига ёрдамлашадиган ака ва опаси ҳам ғамгин бўлиб қолишгани рост. Бувиси эса йиғлагани йиғлаган.

Мерос

Ака ва опасининг ўқиши тушдан кейин. Лекин бу гал ҳам бувисини ёлғиз учратмади. Сўрида ўтирган таниш кишига ўқиниб гапирар, унинг эшиқдан кириб келганига бир кўз тикиди, охириги кунлар серкатнов бўлиб қолган маҳалла раисига энди тик боқиб, гапини давом этди.

– Ўша ҳовлини ҳам акиси олиб берган. Бу гапни кеча ўзининг тасдиқлагингиз. Биринчи келганингизда бошқадан орттирган боласи билан қайнимга тегиб олиб, шу масалани кўтарган овсинимни қишлоқдан бадарға қилмоқчи

эдингиз. Энди улар тарафига ўтиб олдингизми?

– Опа, сиз ўқимишли аёлсиз. Лекин қонун улар томонда. Меросга уларнинг ҳам ҳақлари бор экан.

– Нима қилади бу ҳовлининг бир қисмини. Сотадими ё гўрига олиб кетадими? – Бувиси яна йиғлади. Ёнида мунгайиб турган неварасини бағрига босди. – Мерос мана шу боланики. Урф-одатларимиз қайда қолди?

Маҳалла раиси бир муддат жавоб бермай турди, кейин чўн-тагидан чиқарган телефонга бир кўз ташлаб гапни якунлаш учун

ўрнидан турди. – Иш судда кўрилмасидан ўзимиз хал қилсак яхши бўларди. Қайнингиз сўраган пулни кўшнингиз беришга тайёр. Йўқ деманг муаллима. – Йўқ.

Маҳалла раиси чиқиб кетганидан сўнг ҳам бувиси яна анча вақт ўзини йиғидан тиёлмади. Дам-бадам енгил билан кўзини артиб турса ҳам, қоқсуяк қафтлар бошини силаб тургани неварасига ёқаётган эди.

Бувиси кўзини артиш учун қўлини олганда бола бошини қўтариб, бир неча кундан бўён ўйлаб юрган гапини айтди.

– Буви, менга мерос керак эмас.

Узоқ йиллар тарих ўқитувчиси бўлиб ишлаган буви неварасининг гапини нотўғри тушунди. Хаёлига келган “Буларга мерос керак эмас” деган ўйдан ўқиниб, кўзига яна ёш қуйилди.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ.

Ҳаётим ўтди ўтлиғ сўз ичинда

Тахририят меҳмони

Тилим қалбимни уйғоқ сози бўлди, Ёниб ёзганларимдан рози бўлди.

Муҳаббат аҳлининг қошонасида, Йиғилган байтларим парвози бўлди.


Юраклар орзиқиб кутган замонда, Севинчим андалиб овози бўлди.

Ҳаётим ўтди ўтлиғ сўз ичинда, Агар ўт олмасам, норози бўлди.

Нечун кўнглимни шудгор айладинг куз?! Қўлимда айрилиқ қоғози бўлди.

Бу дунё мен каби девонороқдир, Давр додимга етмас қози бўлди.

Тиқиб Ахтамкули жонимни Ҳаққа, Хаёлимда юракнинг нози бўлди.



Кўёшдек сержиллодирсан, Самарқанд, Қарочикларга жодурсан, Самарқанд.

Юртни гул айлаб кезар, юрт ишқиде боғбон бу кун, Гул билан суҳбат қуриб, гулзордамиз хандон бу кун.

Чинорлар фол очар ўтмишларингдан, Жаҳонга раҳнамодурсан, Самарқанд.

Гар Кўёш бирла қувончим куйида сайр айласам, Кўзларимни тўлдириб ранг излагай осмон бу кун.

Буюк Соҳибқирон кўргонларига, Туну кун маҳлиёдирсан, Самарқанд.

Эй менинг суйган маконим, жонажон қутлуг замин, Мен даланг домонида бел боғлаган деҳқон бу кун.

Сочар юлдузларинг қалбимга ҳикмат, Асрлардан садодирсан, Самарқанд.

Жумла олам аҳлига дўстона ўргатмиш хунар, Эл Самарқанду Бухоро қошида ҳайрон бу кун.

Бухорий ҳазратим туфроқларидан, Яралган пок зиёдурсан, Самарқанд.

Халқ билан қилсанг мулоқот, у сени қўллар мудом, «Жой олинг эл қалбидан», деб бонг урар Султон бу кун.

Дилин покловчилар йўқлаб келишгай, Муққаддас хонақодурсан, Самарқанд.

Юрт куёшин завқидан осмонга етгай бошимиз, Бизни қутлар орзиқиб ул бебаҳо кўргон бу кун.

Минорлар қафтида айланди осмон, Фалак сочган дуодирсан, Самарқанд.

Кез Ватан тупроғини тинчлантириб Ахтамкули, Ҳар қарич ер меҳридор, поёни йўқ дoston бу кун.

АХТАМҚУЛИ.

Ватан ишқи

Тирикман тандаги меҳмон - омонат хаста жонимдур, Бу жон танга вафо қилмас, садақат бу иймонимдур.

Фалак чархи мени ҳар шом айирсин офтобимдин, Дилимга нур олиб кирган ўшал моҳитобонимдур.

Магар Холиқ яна беш кун сабр берса бу жонимга, То жоним бор, Ватан мадҳин деган булбул забонимдур.

Йироқ кетсам диёримдин нечун тинсин кўзимдин ёш, Тинимсиз чехрама оққан ики чашми равонимдур.

Саловат айтди ҳар дамда омонликни тилаб Шаҳри, Ва у ҳар тонг ибодатдан бурун айтган азонимдур.



...га

Сенга этгим келади изҳор, Қалбимнинг энг нозик ҳисларин. Гулларда ҳам сезмадим ҳатто, Атри бўйинг анбар исларин.

Кучоқ-кучоқ сенга тутсам-у, Чўққиларнинг лолаларини. Сўнгра то тонг санаб ўлтирсам Зар кокилинг толаларини.

Кўқдан сўқли термулмасинлар, Юлдузларнинг тўсай нигоҳин. Дийдорингга тўйгунимча то, Сабр берсин сенга, Илоҳим!..

Шаҳридин УМИРОВ.

Жавобин ўйла

Тақдирга битилиши ўлчовли умр, Занг босса ерлар ҳаттоки темир, Нафсингни душман бил, эговла емир, Ҳақ йўлни танлагин, савобдан қолма. Умринг шиддат-ла тортилган камон, Шайтонга эрк бермоқ, ёмондин ёмон, Савобни бугун қил, эртанинг гумон, "Жон қушинг" учмасдан ҳақ йўлни танла, Ўзини таниган Худони билар, Етиму фақрининг бошини силар, Ёмонга Аллоҳдан диёнат тилар, Ё Раббим, пок кўнгли бандангни қўлла,

Нафси балоларнинг шайтондир пир, Ҳаққа аён чиркин ўйлари, сир, Бойлигинг, мансабинг қўлингнинг кири. Тириксан, ҳар ишнинг жавобин ўйла. Вақт етар – ошингга қировлар кўнар, Не эксанг, албатта экканинг унар, Паймонанг тўлгайдир, умринг ҳам сўнар, Охират ғамин е, дўзахда қуйма, Солижон, Худо ёр, Аллоҳни тани, Худога хуш келар амалинг қани? Ҳар ҳадис ичида бисёрдир маъни, Ҳақ гапни эшитсанг, қовоғинг уйма.

Солижон ХУДОЁРОВ, Нуробод тумани.

ДАСТУРИ БОР АЁЛ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи Марям Ниёзова ҳақида очерк)

Марямхон ишчиларини болаларини кўриқлаган лочин каба қаттиқ кўриқлади-ю аммо ўзи беморланиб қолди. Одамлардан ўн кунга узоклашди. Калавасининг учини йўқотиб қўйган ипакчиға ўхшаб қолди, ўзиям. Одамларига, юсак гоғларига жон томирлари билан уланган экан. Ишини, ҳаммаслақларини жуда яхши кўрар экан.

Гоҳо, «Опа тўзалиб кетдингизми», деган кўнғироқлар бўлиб қолади. «Тўзалдим, касал бўлишга ҳақким йўқ, яна юз йил яшашга дастурим бор», дейди жилмайиб.

Аслида, унинг барча дастурларини амалга ошириш учун минг йиллар ҳам етмайди. Қолаверса, ўзига ўхшаган меҳнатсевар фарзандлари ҳам орзулар юқини опа билан тенг елкалашади. Бир-биридан ширин етти нафар набиралари онгига ҳам меҳнатсеварлик, изланиш, илм олиш руҳи сингдирилган. Марямхоннинг фикру гоғларини бир нигоҳидан англайдиган ёрдамчиси Роҳилахон Шомуродова ҳаммаша ёнида ҳозир нозир.

Қад тиклаётган иморатларга ёндош ерда бир гектарлик иссиқхона қурилмоқда. Эрта-индин ишга тушаман деб турибди.

- Неча марта қарз олдингиз, давлатдан.
- 14 ёки 15 марта бордир.
- Ҳаммасини уздингизми?
- Ҳаммасини уздим.
- Қўрқмайсизми, бунча катта миқдордаги қарзлардан?
- Қўрқмайман.

Режалар аниқ, юрак катта бўлса, йигирма йил мобайнида давлатга, одамларга қимлигини исботлаб

берган бўлса, нимадан кўрқарди, бу аёл! Марямга, Фозил Зоҳиддан ёд олган мисраларни айтиб бердим:

Мен йўлбарсдан кўрқмайман, Чумолидан кўрқаман. Айбим не, эздинг деган Саволидан кўрқаман. Одамийдан кўрқмайман, Нокаслиқдан кўрқаман. Қўрқит мени, Худойим, Қўрқмаслиқдан кўрқаман.

– Менинг кўнглимдагини топиб ёзибдилар, – деди Марямхон.

Ҳа, айтганча, янги бошқарув биносининг пештоқиға Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари катта қилиб, ўчмайдиган қилиб ёзиб қўймоқчи:

Тухум ерга тушиб чечак бўлди, Қўрт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқми, Пилла қуртчица ҳимматинг йўқми?!

Мен бундан ортиқ нима ҳам дердим? Кўз ўнгимизда жонидан кечиб, кумуш толалар бераётган оддий ипак қуртининг ҳаёти ҳаммамиз учун ибрат!

Хосият БОБОМУРОДОВА, шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

6

Мақоланинг электрон шаклини ушбу QR-код орқали ўқишингиз мумкин.



5

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

Кексайганда ибрат бўлиш ўрнига

нега ажрим учун судга даъво аризаси киритилди?

Аслида бу ҳолатни, воқеаликни оммага етказиш, уни овоза қилиш керакми, йўқми деб кўп ўйладик. Аммо тарозининг бир томони оғирлик қилгани, яъни оилада фарзанд тарбияси, ота-она ибрати нечоғлик муҳимлигига ҳаётини мисол бўлганлиги учун баён этишни маъқул топдик.



Даъвогар Муқаддам Гаффорова (исм, фамилия ўзгартирилган) судга турмуш ўртоғи Рустам Гаффоровага нисбатан никоҳдан ажратишни сўраб мурожаат қилган.

Нарпай туманида туғилган ва бугун етмишни қоралаб қолган отахон ва она-хонинг қонуний никоҳи 1970 йил Нарпай туманида собиқ қишлоқ совети томонидан рўйхатга олинган. Яъни, улар 50 йил бирга яшаган.

Биргаликдаги турмушларидан тўққиз нафар фарзандлари, 20 дан ортик набиралари бор. Бироқ ўзаро келиша олмаганлиги сабабли кейинги уч йил мобайнида бир ҳовлида турса-да, 8 хонали уйнинг 4 хонасида Р.Гаффаров турмушидан ажраган кизи билан, қолган 4 хонасида эса М.Гаффорова кичик ўғли билан яшаб келмоқда.

Даъвогар сўнгги уч йил давомида Рустам бобо ўз турмуш ўртоғини, кичик ўғли ва келини, ҳатто набираларини ҳам куракда турмайдиган сўлар билан ҳақорат қилиб, оилавий низони кучайтирганлигини билдирган. Шунингдек, ҳеч бир сабабсиз фарзандлари ва қўшнилари олдида сўқиб, ҳақоратлаб кетганлиги оқибатида инсултга чалиниб, туман шифохонасида даволаниб чиққанлигини, унга асабийлашиши мумкин эмаслигини маълум қилган.

Улар яшаётган маҳалладан олинган хулосада нурунийлар иштирокида эр-хотин билан шахсан сўхбат ўтказилганлиги, фарзанд ва набираларига ўрнак бўлиш, уларга насихат қилиш ўрнига, судга никоҳдан ажрашиш ҳақида даъво ариза берганлигидан маҳалла жамоаси жуда афсусда эканлигини маълум қилган.

Маълум бўлишича, кексайган чоғида Гаффоровлар оиласининг бузилишида уларнинг кичик ўғли ва турмушдан ажралган кизининг бир-бирлари билан келишмаслиги ҳам сабаб бўлган.

Амалдаги тартиб асосида суд даъво аризани қаноатлантормасдан, рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини эълон қилди. Бироқ бир ўй кишига тинчлик бермайди.

Одатда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларда ёшларнинг катта ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қургани, масъулиятини ҳис этмаслиги, бир кунлик орзу-ҳавас деб синалмаган, танимаган қизни келин қилиб, уйда содир бўлган камчиликларни келин зиммасига асоссиз юклаш асос бўлади.

Лекин юқоридagi ҳолатда фарзандларининг келишмовчилиги билан оиланинг дарз кетиши уларга берилган тарбиянинг хатолиги эмасмикан?! Оила кодексига эр-хотиннинг нафақат ўзаро, балки вояга етмаган фарзандлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Ота-она фарзандини дунёга келтирганидан кейин унга ғамхўрлик қилиш ва қомил инсон сифатида вояга етказишга масъул.

Биргина ҳолат бўлса-да, нарпайлик кекса эр-хотиннинг тақдири бошқаларга ибрат бўлиши шарт. Зотан, қайсики оилада ўзаро ҳурмат, аҳил-иноқлик ва тартиб-интизом ҳукмрон бўлса, шу оила фарзандлари тарбияли бўлиши табиий.

Байрамали НОРОВ,
қуқорлик ишлари бўйича вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи.
Камол НАМОЗОВ,
қуқорлик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди раиси.

Болангиз “МАҲМАДОНА” бўлса

- Манави балид бино дадамнинг ишхонасимми?
- Йўқ, ўғлим.
- Унда қаер?
- Бу – банк.
- Мана буниси-чи?
- Меҳмонхона.
- Биз поездда кетяпмизми?
- Ўғлим, биз поездда эмас, трамвайда кетяпмиз.

- Нега бизга жой беришди?..

Ҳаяжону ҳайратини яширмай, онасига кетма-кет саволлар бераётган болакайга қараб завқим ортади. У эса онасига кетма-кет савол ёғди-рарди.

- Бувимниқига қачон етамиз?
- Нодирбек, кўп гапирдинг, бўлди қил энди, - болакайни койиган бўлди онаси.

Шундан сўнг Нодирбек йўл бўйи “миқ” этмади.

Серсаволик, сергаплик, мақтанчоқлик бола табиатиға хос хусусият. Биз, катталар эса кўпинча бу ҳолни эркатойлик, маҳмадоналикка йўя-

миз. Аслида болажонларнинг ҳар бир саволи атроф-олам билан яқинроқ танишиши, дунёқарашининг кенгайишига хизмат қиладиган бир восита.

Лекин айрим ота-оналар йўя-рўзгор юмушлари, хизматларидан вақт ажратиб, фарзандлари билан сўхбатдош бўлишга етарлича эътибор беришмайди.

Аксинча, уларга “Жуда маҳмадона бўлисан”, дея шаштини пасайтиришади. Бу ҳол таъбир жоиз бўлса, янги кўз очган булоққа тош ташлаш билан баробардир. Серсавол болакайнинг атиги битта саволи жавобсиз қолдимми, унинг онги, тафакқурида ана шу савол ўрнида бўшлиқ пайдо бўлади. Орамизда, инсоннинг ёши улғайгани сайин атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятиға ўзи ета боради-ку, дейдиганлар ҳам бор, албатта. Тўғри, ҳаётини кўникмалар инсонда йиллар давоми-да шаклланади. Аммо ўз вақтида, ўрнида эгалланган билим юксак салоҳият неғизидир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

“Худудгаз Самарқанд”

газ таъминоти филиали истеъмолчиларга қарийб 369 миллион сўмлик хизмат кўрсатмаган

Дарҳақиқат, амалдаги тартибга асосан газ таъминот ташкилоти истеъмолчининг аризаси асосида балансда бўлган маиший газ баллонини вақтинча фойдаланишга бериш мажбуриятига эга. Бунда тўлов ундирилмаслиги ҳам қайд қилинган.

Аниқланишича, “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали жорий йил 15 июлда аҳоли хонадонига биринчи марта маиший газ баллонини ўрнатиб ишга тушириш хизматининг нархини 112 минг 651 сўм миқдориди белги-ланган.

“Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали томонидан истеъмолчилардан 2018 йилда бир дона маиший газ баллон ўрнатиш учун 57 минг 17 сўмдан, 2019 йилда 99 минг 535 сўмдан 106 минг 75 сўмгача, жорий йилда эса 106 минг 75 сўмдан 112 минг 651 сўмгача маблағ ундирилган.

Истеъмолчиларга суюлтирилган газ баллонларни ўрнатиш бўйича далолатнома нусхалари тақдим этилмаганлиги сабабли ҳудудий бошқарма ходимлари томонидан жорий йилнинг 19 сентябрь куни Жомбой туманидаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 44 та хонадон эгалари ўртасида сўров ўтказилди.

Сўровда қатнашганларнинг барчаси суюлтирилган газ баллонларини олиш учун “Жомбойтумангаз таъминоти” бўлимига тўлов қилганликларини, лекин газ баллонларини ўзлари ўрнатиб олганликларини маълум қилди.

Демак, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг “Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташига, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас”лиги ҳақидаги норма бузилган.

Яъни кўрсатилмаган хизмат учун “Худудгаз Самарқанд” газ таъминот филиали 2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг январь-август ойларида 4082 истеъмолчидан 368 миллион 997 минг сўм ҳақ ундирган.

Шу сабабли ҳудудий бошқарманинг махсус комиссияси томонидан иш кўзгатилди. Махсус комиссия қарори билан филиал томонидан ундирилган асоссиз маблағларни истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоб қилиш бўйича тегишли кўрсатма берилди.

Ж.АБДИНАЗАРОВ,
Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!
Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектларидан келгусида самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 147-Қ-сонли қарорига асосан инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эвазига баҳоланган бозор қийматида “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали сотилиши режалаштирилган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори			Объектнинг баҳоланган нархи	Савдо санаси	Аризани беришнинг охири мuddати
						Инвестиция миқдори (млн. сўм)	Киритиш мuddати	Иш ўринлари сони			
1	Собиқ 1-умумтаълим мактабининг бўш турган қозонхона биноси	Нарпай туман ҳокимлиги	Нарпай тумани Бирлик МФЙ	0,10	147,38	150,0	12 ой	6 та	38 848 495,0	30.11.2020 й.	28.11.2020 й.
2	Собиқ 4-умумий ўрта таълим мактабининг бўш турган қозонхона биноси	Нарпай туман ҳокимлиги	Нарпай тумани Т.Розиқов МФЙ (Ўзбекистон)	0,05	194,4	150,0	12 ой	5 та	31 134 492,0	30.11.2020 й.	28.11.2020 й.

Ушбу объектларни “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auction.uz” сайт майдончасида ўтказиш режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auction.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auction.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга

эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос тақдорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатиди аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг “Шахсий кабинети”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар “e-auction.uz” сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”ига кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг

МЕТРОЛОГИЯ

хизматларидаги ҳужжатлар камайтирилди

Республикада 2020 йил 9 октябрдан янги таҳрирдаги “Метрология тўғрисида”ги қонун қучга кирди.



Ушбу қонунга асосан метрологияга оид фаолият соҳасидаги асосий вазифалар республикада ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш, ишончсиз ўлчаш натижаларининг олдини олиш, ҳолис, ишончли ва солиштириладиган ўлчаш натижаларига бўлган эҳтиёжларни қондириш белгиланди. Ўлчаш натижаларининг миллий ва (ёки) халқаро эталонларга метрологик кузатилувчанлигини таъминлаш билан республика иқтисодиётининг ривожланишига ва илмий-техник тараққиётига кўмаклашди.

Қонун имзоланиб қучга киргунча унинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, идоравий ва норматив ҳужжатларни мазкур янги таҳрирдаги қонун талабларига мослаштириш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасида метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ўлчаш воситаларини давлат синовларидан, метрологик аттестациядан, қиёслашдан ва калибрлашдан ўтказиш қоидалари тасдиқланди.

Қарор билан ўлчаш воситаларини давлат синовларидан, метрологик аттестациядан, қиёслаш, калибрлаш ҳамда синов воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш бўйича умум-мажбурий талаблар белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, метрологик хизматларни кўрсатишда ягона тартиб кўрсатилди, қоида ва иловалар тасдиқланди.

Метрологик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қарорда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, метрологик хизматларни амалга оширишнинг шаффоқлигини, шунингдек, метрология хизматлари органларининг масъулияти белгиланиши ва оширилиши таъминланди.

Шунингдек, давлат метрология хизмати органлари ва юридик шахслар метрология хизматларининг “Метрология тўғрисида”ги қонунга мувофиқ метрологик текширув ўтказиш бўйича берилган ваколатларига аниқлик киритилди ва бир

қатор қулайликлар яратилди:

- ариза бериш, шартнома расмийлаштириш электрон шаклда амалга оширилади;

- метрологик хизматлар томонидан хизмат кўрсатиш мuddати 2-2,5 баробарга қисқартирилди;

- ариза берувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони 11 тадан 2 тагача камайтирилди;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг махсулоти нархига таъсир қилувчи харажатларни қисқартириш учун турини тасдиқлаш тўғрисидаги сертификатлари мuddати 1 йилдан 5 йилга узайтирилди;

- кўрсатилаётган метрологик хизматларнинг ҳар бир босқичида ижрочи ва ариза берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди;

- метрологик текширувни ўтказишдаги такрорланувчи жараёнлар қисқартирилди;

Ушбу қарорда ариза берувчи ва ижрочи ўртасидаги муносабатларни, ишларни бажарилиш кетма-кетлиги тартиби схемаси кўрсатиб берилди. Бу билан кўрсатиладиган хизматларни ариза ва ижрочи ўртасидаги муносабатлар шаффоқлигини таъминлайди.

Бу ўз навбатида метрология соҳасида амалга оширилаётган жараёнларда ортиқча бюрократик тўсиқларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш билан бир қаторда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлайди ҳамда уларнинг ҳол бозоридида ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади.

Зайниддин ИБРАГИМОВ,
“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси Самарқанд филиали мутахассиси.

Эълон

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Абдукарим МАМАТҚУЛОВ



Бутун ҳаётини илмга, ёшларга билим беришга бағишлаган олим, меҳрибон мураббий Абдукарим Маматқулов 78 ёшида оламдан ўтди.

Абдукарим Маматқулов 1942 йилда Хатирчи туманида туғилди. Мактабда ўрта таълимни олган, Самарқанд давлат университетиде ўқиди. Илк иш фаолиятини ҳам шу ерда бошлади - математик анализ кафедрасида ассистент вазифасида ишлади, илм йўлида изланди.

А.Маматқулов 1969-1971 йилларда аспирантурани Озарбайжон давлат университетиде ўтди. Сўнгра ўз илмий-педагогик фаолиятини Самарқанд давлат университетининг математик анализ кафедрасида давом эттирди. Аввал ассистент, сўнгра катта ўқитувчи ва доцент вазифасида ишлаб, ёшларни математика ва информатика фанига қизиқтирди, уларга юқори педагогик тажрибалар асосида сабоқ берди.

1974 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан кейин физика-математика фанлари номзоди, доцент сифатида университетда математик анализ кафедраси мудири, факультет декани ўринбосари, университет ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифаларида

меҳнат қилди. Устоз жамоада нафақат профессионал жиҳатлари, балки инсоний фазилатлари билан ҳам эътиборга лойиқ инсон эди. Талабаларга дарс бериш жараёни бўладими, факультет, кафедра ёки университетнинг илмий-педагогик ўқув жараёни бўладими ўз ишига сидқидилдан ёндашар, виждонан меҳнат қиларди. Айниқса, ишига масъулиятлиги, оқиллиги, одиллиги билан ҳамкасблари орасида хурматга сазовор эди.

А.Маматқулов республика ҳамда хорижий нашрларда 30 дан ортиқ илмий ишларини ёритди, 5 та услубий қўлланма яратди. Устоз Абдукарим Маматқуловнинг хотираси касбдошлари, шогирдлари ва фарзандлари қалбиде мангу қолади.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ.

Муҳаммадjon ХОЛБЕКОВ



Бешафқат ўлим таниқли олим, моҳир таржимон, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммадjon Холбековни орамиздан олиб кетди.

Муҳаммадjon Холбеков 1950 йилда Пайриқ туманида туғилди. Ўрта мактабда таҳсил олган, 1967 йилда Самарқанд давлат университетининг роман-герман филологияси факультетига ўқишга кирди.

Университетни тамолаб, илк иш фаолиятини Самарқанд давлат педагогика институтиде бошлади. 1974 йилда ўзи таҳсил олган университетнинг француз ва лотин тиллари кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қайтди. Олийгоҳда кафедра мудири, факультет декани, филология йўналиши бўйича ҳимоя кенгаши аъзоси бўлиб ишлади. Фаолияти давомида француз адабиёти намояндаларининг дурдона асарларини ўзбек тилига ўргиди, шу билан бирга таржима қилган бадиий асарларнинг француз-ўзбек таржима амалиётида тутган ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берди.

М.Холбеков 1982 йилда номзодлик, 1989 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Бу йилларда олимнинг таржимашунослик муаммоларига оид эллиқдан зиёд илмий мақолалари, рисола ва қўлланмалари чоп этилди.

1999-2005 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтини француз фило-

логияси факультети декани ва кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бир муаддат Самарқанд давлат тиббиёт институтини чет тиллар кафедраси мудири лавозимида ишлади. Домланинг Жиззаҳ давлат педагогика институтиде илмий ва ижодий фаолияти ҳам барақали бўлди. Юзлаб шогирдлар орттирди, бевосита унинг кўмағида фан докторлари, фан номзодлари етишиб чиқди.

Самарқанд адабий муҳитида камол тогган ва таржимашунослик бўйича ўз мактабини яратган олим 2017 йилдан буюн Самарқанд давлат чет тиллар институтини таржима назарияси ва амалиёти кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган эди.

Илғор тафаккурли олим, таълим фидойиси, ёшларнинг меҳрибон устози Муҳаммадjon Холбековнинг порлоқ хотираси ҳамisha қалбимизда яшади.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ.

АВТОМАШИНАЛАР СОТИЛАДИ

Республика инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Самарқанд вилояти бошқармасига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончаси орқали ташкиллаштириладиган аукцион савдоларига қўйилган

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	ЛОТ рақами	Аризалар қабул қилишнинг охири куни	Аукцион ўтказиш куни
1	"УАЗ-3163-121"	2010 йил	30 642 ХАА	0317016	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
2	"УАЗ-3163-121"	2010 йил	30 643 ХАА	0317023	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
3	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 901 RAA	0324655	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
4	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 466 GAA	0317017	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
5	"УАЗ-31514"	2001 йил	30 496 GAA	0324656	04.11.2020 йил	06.11.2020 йил
6	"УАЗ-315142"	2008 йил	30 365 WAA	0317002	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
7	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 459 GAA	0324652	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
8	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 468 GAA	0317024	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
9	"УАЗ-315142012"	2003 йил	30 472 GAA	0324657	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
10	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 475 GAA	0317005	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
11	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 897 RAA	0317015	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
12	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 524 GAA	0317003	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
13	"УАЗ-315142012"	2003 йил	30 902 RAA	0317014	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
14	"УАЗ-315142012"	2003 йил	30 534 GAA	0317004	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
15	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 478 GAA	0317025	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
16	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 462 GAA	0324651	04.11.2020 йил	06.11.2020 йил
17	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 383 GAA	0317020	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
18	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 467 GAA	0317013	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
19	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 532 GAA	0317012	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
20	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 435 GAA	0317026	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
21	"УАЗ-315142012"	2006 йил	30 890 RAA	0317009	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
22	"УАЗ-31514"	2001 йил	30 894 RAA	0317022	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
23	"УАЗ-315142012"	2008 йил	30 896 RAA	0317010	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
24	"УАЗ-315142"	2009 йил	30 363 WAA	0317019	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
25	"УАЗ-315142018"	2009 йил	30 687 WAA	0317007	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
26	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 469 FAA	0317027	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
27	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 445 FAA	0317006	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
28	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 213 FAA	0324653	04.11.2020 йил	06.11.2020 йил
29	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 471 FAA	0317008	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
30	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 214 FAA	0317018	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
31	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 470 FAA	0329445	10.11.2020 йил	12.11.2020 йил
32	"УАЗ-315142012"	2009 йил	30 473 FAA	0317021	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
33	"ГАЗ-2705-242"	2009 йил	30 136 FAA	0317011	03.11.2020 йил	05.11.2020 йил
34	"ГАЗ-2705-14"	2008 йил	30 438 GAA	0329443	10.11.2020 йил	12.11.2020 йил
35	"ГАЗ-2705-298"	2012 йил	30 073 NAA	0324654	04.11.2020 йил	06.11.2020 йил
36	"UAZ-39091"	1998 йил	30 483 GAA	0324663	04.11.2020 йил	06.11.2020 йил
37	"УАЗ-31514"	2003 йил	30 493 GAA	0326333	07.11.2020 йил	09.11.2020 йил
38	"УАЗ-31514"	1997 йил	30 486 GAA	0326334	07.11.2020 йил	09.11.2020 йил
39	"УАЗ-3151201"	1990 йил	30476 GAA	0329444	10.11.2020 йил	12.11.2020 йил

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 66-231-05-29, 99-596-60-93.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд туманидаги «AUTO SERVIS RENTAL» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307798268) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «AUTO SERVIS RENTAL» оилавий корхонасига ўзгартирди. «AUTO SERVIS RENTAL» оилавий корхонаси «AUTO SERVIS RENTAL» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Зиёлилар кўчаси, 4-уй.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 31 январда 666967 реестр рақами билан рўйхатга олинган Турсунов Шавкат Бабакулович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Турсунов Ш.Б. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 29 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Гулистон кўчаси, 1-йўлак, 2-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 600092075.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 15 сентябрда 892253 реестр рақами билан рўйхатга олинган «МУНАМАДУСУФХОН» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «МУНАМАДУСУФХОН» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 29 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Сартепа маскани 168-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307730147.

Ургут туманидаги «DIAMOND PETROL» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси (СТИР: 303460082) ўз устав фондини 2 286 792 977,8 (икки миллиард икки юз саксон олти миллион етти юз тўқсон икки миң тўққиз юз етмиш етти сўм саккиз тийин) сўмдан 1 030 000 000 (бир миллиард ўттиз миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Сариктепа маскани.

Самарқанд туман давлат хизматлари марказидан 2020 йил 2 сентябрда 887069 реестр рақами билан рўйхатга олинган «YULDUZ LIFE» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирил-

ган номи: «YULDUZ LIFE» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 29 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Туркман қишлоғи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307688626.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2016 йил 5 декабрда 24738 реестр рақами билан рўйхатга олинган Бободжонов Улғубек Эркинович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Бободжонов У.Э. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 29 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мерв кўчаси, 17-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 502872941.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 9 октябрда 901475 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAMARKAND ORYEUDA HOUSE» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «SAMARKAND ORYEUDA HOUSE» ОК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 28 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри М.Муҳаммадқулов кўчаси, 2-йўлак, 8-хонадон.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307805226.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 7 июлда 740357 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси «QO'RILQASH SERVIS» давлат унитар корхонаси Самарқанд филиали (қисқартирилган номи: «QO'RILQASH SERVIS DUK Самарқанд филиали) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Темур Малик кўчаси, 12-уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306555071.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Си-

чинава Важио Мелентевича (2020 йил 22 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 17-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улғубек Толибович нотариал идорасида марҳум Очилов Хурозбойга (2019 йил 30 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улғубек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Пайриқ туманидаги 29-ўрта мактабдан 1999 йилда Шакарва Юлдуз Фарходовна номига берилган O'R-A № 475956 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Эшмаматов Улғубек Одил ўғли номига берилган UM № 0146560 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Зафарова Маржона Санжар қизи номига берилган UM № 0159367 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ғуломов Додар Дилшод қизи номига берилган UM № 0538362 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 7-ўрта мактабдан 1994 йилда Бекназаров Қамариддин Қўназар ўғли номига берилган А № 144552 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 5-ўрта мактабдан (ҳозирги 59-умумий ўрта таълим мактабидан) 1991 йилда Ғаниева (ҳозирда Ортиқова) Дилрабо Холмурзаева номига берилган А № 393296 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтини малака ошириш факультетидан 2011 йил 12 ноябрда Холмурзаева Гулчехра Махамматовна номига берилган рўйхат рақами 6640, QT № 131 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтидан 2019 йилда Махмудов Сардорхон Алишер ўғли номига берилган рўйхат рақами

1785, В № 1068784 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2019 йилда Гаффаров Абборга қарашли Самарқанд шаҳри Арифбаев кўчаси, 16-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги "Янгибой Лазиз" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303253577) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ғозиева (ҳозирда Сапарова) Дилрабо Исроиловна номига берилган O'R-SH № 0260285 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЖАМИЯТ

Мулоҳаза учун мавзу

Янгини эски асрайди

Оила бюджетини шакллантириш, ундан оқилона фойдаланиш рўзгор бутлиги, хонадон фаровонлигини таъминлайди. Пул топиш қийин, сарфлаш осон. "Ҳисобини билмаган ҳаменидан айрилар", "Кўрпангга қараб оёқ узат" деган мақоллар бежиз айтилмаган.

Худога шуқур, тинч, тўқ яшапмиз. Топиш-тутиш, ейиш-ичиш, кийиниш, тўй-томоша, уй-жой, энгил машина деганларидан камчилигимиз йўқ. Аммо минг машаққат билан топилган пулимиз, харид қилган буюмларимизни тежаб ишлатиш, исроф бўлишининг олдини олишда андак бепарволигимиз ҳам бор. Ориятли, гурурли халқмиз. Яна озроқ шухратпарастлик, манманлик, бошқалардан бой-бадавлатлигимизни кўрсатишга мойиллигимиз ҳам кўп панд беради. Бироқ "бош ёрилса, дўппи тагида", сир бой бермаймиз.

Юз миллион сўмини икки соатда ҳавога совириб, тўй қилаётганимизни айтмай қўя қолайлик. Бу ҳақда айтилмаган гап ҳам, мулоҳаза, танбех, танқид ҳам, давлат қабул қилмаган қарор, қонун ҳам қолмади.

Мен оила бюджетидан фойдаланишда бошқа "майда-чуйда, икир-чикирлар" ҳақида мулоҳазамни баён қилмоқчиман.

Болажон халқмиз. Ўзимиз емай фарзандларимиз есин, биз киймай фарзандларимиз кийсин, деймиз. Бу яхши фазилат. Баъзан қуюшқондан чиқиб кетишимиз сарф-харажат-

да қўлимизни калта қилиб қўяди. Айниқса, болаларни кийинтириш масаласи оила бюджетининг кутини учиради. Сабаби, болалар ҳар мавсумда янги кийим кийишни истайди. Ваҳоланки, устки кийим дейсизми, оёқ кийим, спорт формаси дейсизми бир марта кийилганича ҳали охори тўқилмай туради.

- Болалар омон бўлсин, - дейди Маматкул ака. - Баъзан сал эркалатиб қўйяпмизми, деб ўйлаб қоламан. Оғзидан чиққанини муҳайё қилаямиз. Кеча ашғол-дашғол турадиган чордоққа чиқсам, ишонасизми, йўқми, бир халта оёқ кийим, яна бир бўғча кийим-кечак уюлиб ётибди. Бир марта кийилиб улуктирилаверган, янгисини олиб бераверганимиз. Ҳисоблаб кўрсам, кам-камдан каттагина маблағ исроф бўлибди. Бунинг устига болалар буюмлари ҳаддан ташқари қиммат. Барибир харид қилишди, деб ўйлашса керак-да!

Янгини эски асрайди, деган гапни японлар кўп такрорлар экан. Санатда чиқиндисиз технологияга амал қилинаётганидек, оилаларда ҳам ушбу ақидага амал қилинар экан.

Болаларга кийим торлик қилиб қолса, кичикларга мослаштириб бериларди. Батамом эскирган кийим-кечаклардан чиройли кўрпача, гултувак, чойнақларга таглик тикилади. Ҳатто бўшаган пластмасса идишлардан деворга осма гултувакчалар ясалганини кўрсатишди.

Бундай тежамкорликни асло хасислик, деб ўйламаслик керак. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Фарзандлар пешона тери билан топиладиган пул жуда қадри эканлигини, сотиб олинадиган кийим-кечак, уй-рўзгор буюмларини авайлаб, тежаб-тергаб ишлатишни ўрганишди.

Эсимда, ўтган асрнинг 50-йилларида бутун бир авлод тенгдошларимиз катталар, акалари, опаларининг мактаб жилди, пальтоси, бошқа кийимларини кийиб катта бўлишди. Тўғри, у замонлар ортада қолди. Моддий истеъмол - ноз-неъматлар, замонавий кийим-кечаклар кўпайди. Бироқ булар исрофгарчиликка сабаб бўлмаслиги лозим.

Албатта, пулни ким, қандай топади, нимага сарфлайди - ўзининг иши. Аммо инсон ақл-заковати билан яратиладиган моддий неъматларни исроф қилмасдан, тежаб ишлатиш, рўзгор юритишда оқилона иш тутиши юксак маънавиятга хос фазилат эканлигини унутмайлик.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Тадқиқотларга кўра, инсон ҳаёти давомида ўртача беш марта ер шарини айланиб чиққанчалик масофа босар экан. Аммо биз кўп ҳолларда пиёда юргиниз келмайди. Транспорт воситаларидан фойдаланиб уйга тезроқ боришга ошиқамиз. Аммо бу саломатлигимизга путур етказаяётганини вақт ўтиб англаймиз. Чунки олимларнинг фикрича, юриш инсон саломатлиги учун жуда муҳим саналади. Хўш, сиз бир кунда саломатлигиниз учун қанча қадам ташлайсиз?

Саломатлик учун 4000 қадам...

ҲАР БИР ҚАДАМ СОҒЛОМ ҲАЁТ ДЕГАНИ

Анча вақтдан буён бир ҳолат эътиборимни тортади. Эрта тонгда деразадан атрофни кузатар эканман, кекса ёшли эр-хотин бир хил вақтда уйимиз ёнидаги йўлакчадан ўтиб қайтади. Улар ёзда ҳам, ёмғирли-қорли кунларда ҳам айланишни қанда қилмайди. Уларни нафақат эрталаб, балки кечки вақт ҳам учратиш мумкин.

- Икки йилдан буён турмуш ўртоғим билан ҳудудимизда барпо этилган велосипед йўлакчасини икки марта айланиб чиқамиз, - дейди Кимёгарлар шаҳарчасида яшовчи Любовь Лисицкая. - Ҳисоблаб чиқсак ҳар бир айланишимизда 980 қадам, икки бор айланганда 1960 қадам юрар эканмиз. Бу бир кунда ўртача 4000 қадам дегани. Одам кексайгач турли касалликлар бўй чўзаверар экан. Турмуш ўртоғим инфаркт бўлган, ҳатто иккинчи қаватга чиқолмай қолди. Шифокорлар кўп ҳаракат қилиш, юриш кераклигини айтишди. Кўп қаватли уйда истиқомат қилганимиз учун дастлаб ён-атрофимизни айланидиган бўлдик. Нарпай кўчаси ободонлаштирилиб, пиёдалар учун текис ва раvon йўлақлар қурилди. Бу эса бизга ҳар томонлама қулайлик яратди. Биласизми, ҳозир йўлакда биз каби кекса ёшлилар билан бир қаторда ёшларни ҳам учратиш мумкин. Саломатлик учун эрталабки юришнинг аҳамиятини бугун турмуш ўртоғимнинг соғлом ҳаёт тарзига қайтганида кўрдим.

ЮРИШ ЭНГ ЯХШИ ДОРИ

Бундан икки минг йил муқаддам Гиппократ томонидан айтилган "Юриш - бу одамлар учун энг яхши дори" ибораси бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини ёнишимиздагилар мисолида кўриш мумкин. Кўшма шатлар тадқиқотчилари мунтазам юрадиган кишиларда грипп ва юрак-қон томир касалликлари 25 фоизга кам учрайди, деган хулосага келишди. Юриш бўғин ва умурқаларни мустаҳкамлаш, юрак-қон томир касалликларини даволаш, қон оқимини фаоллаштириш ва ички органларни кислород билан бойитиш, стрессни йўқотиш, вазни сақлашга ёрдам беради.

- Пиёда юришнинг инсон соғлиги учун, унинг узоқ умр кўриши учун фойдаси беқиёс, - дейди Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника бош шифокори Ниғина Аббосова. - Абу Али Ибн Сино инсонни икки нарса соғлом ва бақувват қилади, бу - қуёш нури ва тоза ҳаво, деб таъкидлаган. Пиёда юриш эса икки бебаҳо хазинани мужассамлаштиради. Ҳар тонг ишга пиёда келсангиз, юришнинг аҳамиятини англагандек бўласиз. Мисол учун, 10 дақиқа пиёда юрганда гипертония безовта қилмайди, 20 дақиқа тоза ҳавода юриш асабларни меъёрида сақлайди. Япониялик 105 ёшли олим Шикоки Хино Хари узоқ умр кўриш учун эрталаб тургандан фақат фойдали иш билан шуғулланиш, кўпроқ зинапояларга чиқиб тушиш кераклигини маслаҳат беради.

90 ёшга яқинлашаётган қўшимиз ҳали ҳам томорқадаги юмушларни бажаришга ҳаракат қилади. Уйғилларнинг машинаси бўлса-да, маҳаллани бир кунда бир бор пиёда айланишни қанда қилмайди. Дам олиб ётмайсизми, десак: "Тик оёқда юришдан қўямасин", дейди қулиб.

Дилдора БОЗОРОВА.

2021 йил учун обуна бўлишга шошилиш!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! ВИЛОЯТ "МАТБУОТ УЮШМАСИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрлари (газета-журналлар)га 2021 йил учун обуна қабул қилиш ва расмийлаштириш бошланганлигини маълум қилади.

Обунани Сиз нақд ҳолда, пул кўчириш йўли билан ва пластик карточкалардан тўлаш, "Матбуот уюшмаси" МЧЖнинг барча туман, шаҳар участкаларида, "Матбуот" киоскаларида, корхона, муассаса, ўқув юртлири жамоатчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий тадбиркорлар ва жамоатчи тарқатувчилар орқали ҳамда Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 84-уйда жойлашган "Матбуот уюшмаси" МЧЖ бош офисиди (мўлжал - авиакасса) ҳар кун (шанба ва яшанба кунлари ҳам) соат 8:00 дан 19:00 гача расмийлаштиришингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:


66-234-22-53, 234-94-37, 234-93-96.

Бизда газета ва журналларга обуна фуқароларнинг иш (ўқиш) жойига, уй манзилига яқин жойлашган "Матбуот" киоскасига етказиш шарти билан расмийлаштирилади. Жамиятимизда Сиз Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрларига ҳамда вилоятимиз газеталарига обуна бўлиш имкониятига эгасиз.

БИЗ СИЗГА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ЕТКАЗИШ БЎЙИЧА

ЭНГ МАЪҚУЛ НАРХЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

"Матбуот уюшмаси" МЧЖнинг барча ходимлари Сизга намунали хизмат кўрсатишга тайёр!



Zarafshon САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ва вилоят ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 755 нусхада чоп этилди. Бюролма 651
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Г.МЎМИНОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009